O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 20 март, № 55 (4208) Сешанба

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 март куни Оқсаройда Словакия Республикаси ташқи ишлар вазири Ян Кубишни қабул қилди.

— Сиз билан узоқ вақтдан буён танишмиз, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Ўзбекистон билан Словакия ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан бирдай манфаатдор.

Ўзбекистон — Словакия муносабатларининг сифат ва суръати икки мамлакатда ҳам юқори баҳоланади. Бу йил давлатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 14 йил тўлди. Мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги, парламентлар, вазирлик ва идоралар даражасидаги учрашувлар йўлга қўйилган. Хусусан, 1997 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Словакияга, 2003 йилнинг март ойида Словакия Президенти Рудольф Шустернинг Ўзбекистонга ташриф-лари бўлиб ўтди. Бу саммитлар асосида икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди.

Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги алоқаларнинг ҳуқуқий асосини 23 ҳужжат ташкил қилади. Улар орасида уюшган жиноятчиликка қарши кураш, ҳаво транспорти алоқаси, сайёҳлик, ташқи сиёсат ва ташқи савдо маҳкамалари ўртасида ҳамкорликка оид битим ва протоколларни келтириш мумкин.

Икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик борасида томонлар мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланяпти, деб бўлмайди. 2006 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 15 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Юртимизда Словакия сармояси иштирокида очилган ўнга яқин қўшма корхона ишлаб турибди. Улар фармацевтика, қурилиш-монтаж ишлари бўйича хизмат кўрсатиш, енгил саноат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, савдо ва бошқа соҳаларда фаолият кўрсатмоқда. Иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш икки томонлама манфаат келтиради ва Ўзбекистон билан Словакия бу борада ҳамфикрдир. Айни пайтда турли йўналишларда янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилмоқда.

Гуманитар соҳада ҳам ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Айниқса, илмий доираларнинг алоқалари фаоллигини таъкидлаш мумкин.

2006 йилнинг июль ойидан Словакия Республикаси ташқи ишлар вазири сифатида фаолият юритиб келаётган Ян Кубиш кўп йиллик дипломатик тажрибага эга. У қатор нуфузли халқаро ташкилотлар – БМТ, ЕИ ва ЕХҲТ органларида ишлаган. Хусусан, узоқ йиллар ЕХҲТга раислик қилган, 2005-2006 йилларда эса Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили лавозимида меҳнат қилган. Тажрибали сиёсатчи ва дипломат Ян Кубиш минтақамиздаги вазият ва шароит билан яхши таниш.

Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Словакия Республикаси ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, мавжуд имкониятлардан самаралироқ фойдаланиш масалаларини юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

СЛОВАКИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Словакия Республикаси ташқи ишлар вазири Ян Кубиш 19 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда, жумладан, парламентлараро ҳамкорлик соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Словакияда Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга қизиқиш жуда катта, — деди Ян Кубиш. — Европа Иттифоқи ҳам мамлакатингиз билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилаётир. Шак-шубҳасиз, ўзаро алоқаларимизни ривожлантириш ва кенгайтиришнинг имкониятлари кўп. Президентларимизнинг учрашувларида икки мамлакат муносабатларининг ҳуқуқий пойдевори яратилган.

Учрашувда Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги парламентлараро алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига доир масалалар муҳокама этилди.

Словакия ташқи ишлар вазири Я.Кубиш Ўзбекистон ташқи ишлар вазири В.Норов билан ҳам музокара ўтказди.

Ян Кубиш Словакия Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси янги биносининг очилиш маросимида иштирок этди.

Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири.

Фахр

Она диёримизга Наврўзи олам ташриф буюрди. Табиат, борлиқ яна уйғонди. Дов-дарахтлар танасига сув югурди. Ўрик оппоқ бўлиб гуллади. Кўклам ашуласини айтиб, ризқ-рўзимиз манбаи далалар сари ошиқаётган ариқ, анҳорлар қирғоғида ялпизу чучмомалар бўй чўзганига ҳам анча бўлиб қолди. Бободеҳқон елкасига кетмонини қўйиб, даласига чиқди. Офтоб елкаларимизни қиздира бошлади. Бир разм солинг-а, саховатли заминимиздан ажиб тафт келиб, иссиқ ҳовур кўтарилаяпти. Борлиқ ўн саккиз яшар сулув келинчакдек яшнаб, яшариб кетган.

ПОЙҚАДАМИ ҚУТЛУҒ, НИЯТИ ПОКИЗА

Бундай пайтда беихтиёр борлиқ ҳақида, табиат ҳақида ўйлайсан киши. Бутун вужудинг билан шу оламга боғлиқлигинг, табиатнинг бир бўлаги эканлигинг ҳақида, қечаги кунинг ва бугунинг, эртанги ҳаётинг ҳақида адоқсиз ўйларга бериласан.

Наврўз ана шундай палла, минг-минг йиллардан бери қонимизда, жонимизда яшаётган азалий қадрият. Ўзининг ажойиб урф-одатлари, ўзгача хислатлари билан миллатимизнинг ўзига, ўзлигига айланган, эзгулик ва яхши ишлар, яхши ниятлар фасли, бунёдкорлик, яратувчилик айёми, гўзаллик ва олижаноб туйғулар мавсуми.

Шундай кунларни ҳам кўрдик. Яқин ўтмишимизда собиқ тоталитар тузум даврида кўҳна тарихимизга, миллий қадриятларимизга тош отдилар. Наврўз байрамимизни ҳам «эскилик сарқити» деб, «диний байрам» деб камситдилар, ҳўрладилар. Уни ҳатто «Навбаҳор байрами» деб ўзга от билан аташни талаб қилдилар. Қозон тўла сумалакларни ер билан битта қилиб ағдариб ташладилар. Кўҳна байрамимизни қалбларимиздан сиқиб чиқармоқчи бўлдилар.

Улуғ Истиқлол арафасида Президентимизнинг донолиги, буюк жасорати туфайли Наврўз умумхалқ байрами сифатида давлат миқёсида эътироф этилди. Энг қадимий ва асл миллий қадриятларимиздан бири бўлмиш Наврўз мустақиллик йилларида юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар учун том маънодаги умумхалқ байрамига айланди. Наврўз руҳи ва фалсафаси одамзотни табиат билан уйғун яшашга, жамиятимизда меҳр-оқибат, дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан ҳар бир шаҳар, қишлоққа, ҳар бир маҳалла ва оилага янгича кўринишда, эзгу ниятлар-у яхши тилаклар билан кириб борди. Қалбларни тўлқинлантириб, мустақил диёримизнинг ҳар бир фуқароси ҳаётидан мангуга жой олди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурига мувофиқ ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда аниқ йўналтирилган ва табақалашган ёндашувни янада кучайтириш, кам таъминланган оилаларни зарур моддий ёрдам кўрсатиш орқали қўллаб-қувватлашни таъминлаш, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, болали эҳтиёжманд оилаларга, икки ёшгача бўлган фарзанди тарбияси билан банд ишламаётган оналарга нафақа ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан:

ижтимоий адолат, холислик ва ошкоралик тамойилларига қатъий амал қилиш;

кўрсатилаётган моддий ёрдамнинг аниқ йўналтирилишини таъминлаш, уни ҳақиқий эҳтиёжманд оилаларга бериш, боқимандаликка йўл қўймаслик, оилалар даромади ва мол-мулкини ҳар томонлама ҳисобга олиш;

ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш асосида амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар, туманлар ҳокимликлари нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ҳамда тўлаш бўйича белгиланган тартибга риоя қилиш устидан қатъий назорат амалга оширилишини таъминласин.

2. 2007 йилнинг 1 сентябридан:

давлат бюджетидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажмини, айни вақтда уни тайинлаш ва тўлаш муддатини 6 ойгача узайтирган ҳолда, 1,5 бараварга;

"Мурувват" болалар интернат-уйлари тарбиячилари, ўқув-ёрдамчи ходимлари ва санитар-энагалари иш ҳақи, айни вақтда бир тарбиячи учун иш меъёрини 15-18 нафар боладан 5-6 нафар болага камайтирган ҳолда, ставкаларни тариф сеткаси бўйича бир разрядга кўтариш ҳисобидан;

болалар, қариялар ва ногиронларнинг "Мурувват" ва "Саховат" интернат-уйлари, жисмоний ривожланиш имконияти чекланган ва жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежлар, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказлари ва уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати ходимларини моддий рағбатлантириш фонди миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳисобидан 25 фоизгача оширилсин.

3. 2007 йилнинг 1 июлидан:

уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари ходимларининг тариф ставкаларига 15 фоиз миқдорида қўшимча;

жисмоний ривожланиш имконияти чекланган ва жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежларда ногирон-ўқувчиларнинг бепул овқатланиши;

уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати ходимлари, шунингдек, ногирон болаларни уйда ўқитаётган педагоглар учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда энг кам иш ҳақининг 1 баравари, Тошкент шаҳрида 1,5 баравари миқдорида ойлик йўл ҳақи компенсацияси жорий этилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, компаниялар, хўжалик бошқарувининг бошқа органлари, корхоналар, ташкилотлар, хайрия жамғармалари, тадбиркорлик тузилмалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали эҳтиёжманд оилаларга ҳар томонлама қўшимча моддий ёрдам кўрсатсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинган 2007 йилда хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлик тузилмалари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юқорида қайд этилган мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар даромад солиғидан тўлиқ озод этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги 573-қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида 28 та "Меҳрибонлик" уйи, шунингдек, 86 та санаторий типидаги ҳамда жисмоний ва руҳий ривожланишдан орқада қолган болалар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни капитал таъмирлаш, жиҳозлаш, улар учун микроавтобуслар сотиб олиш мақсадида давлат бюджетидан қўшимча 8,2 миллиард сўм йўналтириш кўзда тутилганлиги эътиборга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг болалар, қариялар ва ногиронларнинг "Мурувват" ҳамда "Саховат" интернат-уйлари, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказларини капитал таъмирлаш, жиҳозлаш, уларнинг таъминотини янада яхшилаш бўйича жорий йилда ушбу мақсадларга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўшимча 5,2 миллиард сўм йўналтириш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиққан ҳолда киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 19 март.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент жаноблари,

Ўзбекистон Республикасининг барча дўст халқини ва мамлакатнинг катта ҳурматга эга бўлган Президенти Ислом Каримовни яқинлашиб келаётган, фасли баҳор ибтидоси ва табиат уйғонишини ўзида мужассам этган Наврўз байрами билан табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди. Ушбу хуш айём муносабати билан мамлакатингизнинг барча аҳолисига фаровонлик, тинчлик ва бахт тилаб, ўзимнинг эзгу истакларимни йўллаш мен учун катта ифтихордир.

Яқинда Шарқий Осиё мамлакатлари, жумладан, Корея халқи ой тақвими бўйича Янги йилнинг кириб келишини нишонлади. Ушбу кунда ҳамма хонадонда албатта гуруч унидан тайёрланадиган анъанавий «токкук» таоми пиширилади. Менга маълумки, мамлакатингизда ҳам Наврўз байрами куни ундирилган буғдойдан анъанавий «сумалак» тайёрланади. У кишига куч, қувват ва бардам руҳ бахш этади. Ушбу шодиёна кунда шахсан ўзим Сизга, ҳурматли Президент жаноблари ва Ўзбекистоннинг барча халқига куч-қувват ва бардам руҳ Сизларни асло тарк этмаслигини ҳамда бу руҳ ёш давлатнинг мустақиллиги ва эгаменлигини мустаҳкамлашга ёрдам беришини изҳор этишни истар эдим.

Сиз Жаноби Олийларининг яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон ҳукумати йиғилишидаги чиқишингиз Корея матбуотида эълон қилинди ва мен у билан танишишдан катта қониқиш ҳосил қилдим. Мен ўзбек халқининг ўтган йили эришган катта муваффақиятларидан ҳамда миллий иқтисодиётни янада ривожлантириш ва ижтимоий ҳаётни яхшилаш юзасидан Сиз белгилаб берган 2007 йилнинг йирик вазифаларидан чуқур таъсирландим.

Менинг қатъий ишонишимча, бутун дунёдаги тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистондаги иқтисодий гуллаб-яшнаш ва сиёсий барқарорлик бутун Марказий Осиё минтақасининг муваффақиятли тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Сизнинг томонингиздан киритилган анъанага мувофиқ, жорий йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганига алоҳида эътибор қаратдим. Ва мен бунда энг муҳим, бош мақсадни, яъни Сизнинг оқилона раҳбарлигингиз остида жамиятни янгилаш ва модернизациялаш, демократик ҳуқуқий давлат қуриш бўйича чуқур ислоҳотлар дастурини кўраман.

Объектив қийинчиликларга қарамай, Сизнинг мамлакатингиз ўз менталитети ва анъаналарини, шунингдек, демократия ривожланиши тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини мустаҳкамлаш ва уларни рўёбга чиқариш йўлида муҳим қадамлар ташлагани ва бу йўлни изчил давом эттираётгани Ўзбекистоннинг қадрдон ва самимий дўсти сифатида мени қувонтиради. Ўзбекистонга бу йўналишда янада муваффақият билан олга ҳаракатланиш истагини тилашни истар эдим.

Самимий ҳурмат билан,

Ли Ман СОП,
Корея Республикаси Миллий ассамблеясининг собиқ спикери.

Боланги з китоб ўқийдими?



Яқинда бир латифа эшитдим. Ёзувчи ўртоғидан сўраяпти:

— Янги романим чиқди, ўқидингми?

— Қаҳрамони ким эди?

— Ким охиригача ўқиб чиқса — ўша қаҳрамон-да!

Самарқандлик заҳматкаш ёзувчи Нусрат Раҳмат бир мақоласида ҳозирги кунга келиб фақат оддий китобхонгина эмас, қаламкашларнинг ўзлари ҳам китоб ўқимай қўйгани, ҳатто китобига дастхат битиб берган ҳамкасбининг асарини ҳам варақлаб қўйишдан эринаётгани ҳақида куйиниб ёзади.

Китобхонлик, мутолаа, шубҳасиз, инсоннинг маънавий камолотга эришувида муҳим воситадир. Яқин ўтмишда жадидлар миллатнинг тараққиёти ва фаровонлиги илму маърифатга боғлиқ, деб ҳисоблаганлар. Китобнинг, мутолаанинг тарбиявий кучига ишонганлар, уни тафаккур ва ақлий камолот манбаи деб билганлар. Уларнинг ғоялари ҳали-ҳамон эскирмаган. Француз мутафаккири Дидро эса "Одамлар ўқишдан тўхташлари билан фикрлашдан ҳам тўхтайдилар", деган эди.

Китобнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. На телевизор, на кино, на бошқа ахборот воситалари китоб берган маънавий-руҳий озуқани, нашъу намони бера олади. "Мутолаага берилиш — турмушда сўзсиз содир бўлиб турадиган зерикиш соатларини чексиз ҳузур-ҳаловат дамларига айлантиради", деган эди Ш. Монтескье.

Ҳамма нарса болаликдан бошланади дейميз. Ҳақ гап. Китобга меҳр болаликдан, мактабдан, оиладан бошланмоғи лозим. Айниқса, оилавий муҳитга кўп нарса боғлиқ. Эсимда, болалигимда отам шаҳарга кетаётиб "Сенга нима олиб келай?" десалар, мен китоб олиб келишларини илтимос қилардим. Эҳтимол, ўша болалик ва ўсмирлик йилларимда қўлимга тушган ва завқ-шавқ билан ўқиган китоблар менинг келажагимни, тақдиримни ҳал қилгандир.

Узун қиш кечалари отам сандал атрофида бизга "Ўтган кунлар"ни ўқиб берарди. Отабек ва Кумушнинг аччиқ қисматига ачиниб юм-юм йиғлаб ўтирардик. Яхши китоблардан қаттиқ таъсирланардик, завқ олардик. Афсуски, илгари анча кенг расмодат бўлган бундай яхши анъаналар ҳақида эсласак, ҳозирги ёшлар кулиб қўйишади.

Қуш уясида кўрганини қилади. Биз катталар шахсий ибратнинг таъсир-қудратига етарли аҳамият бермаймиз. Ароқ ичма деймизу ўзимизни бу оғудан тиёлмаймиз. Катталарни ҳурмат қилиш керак деймизу боланинг кўз олдида онасини хафа қиламиз. Худди шунингдек, китоб ўқиш керак дейиш билан чекланиб, ўзимиз гапимизга-илмимизга амал қилмасак ташвиқотимиздан фойда йўқ.

Мустақилликдан илгари ҳукмрон мафкура таъсирида шаклланган, ҳақиқий қадриятларимиз ҳақида нотўғри, бирёқлама, саёз тасаввур берувчи таълим тизимининг мутлақо яроқсиз эканлиги аллақачон аён бўлиб қолган. Ёш қалбларга нафосат, бадиият туйғусини сингдириш, хусусан адабиётни тўғри ўқитиш, ўргатиш, демакки, мутолаага ихлос уйғотиш муҳим ва мушкул вазифа. Афсуски, айрим мактабларда, ҳатто олий ўқув юртларида ҳам "нафис адабиёт муаллим"ларининг (Абдулла Қаҳҳор киноясси) ўзлари адабиётдан анча йироқдирлар. Шу боис уларнинг қўлида таълим олган ўқувчи, талабаларнинг китобга, катта адабиётга меҳр, ихлос қўйиши қийин. Беихтиёр "Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак" деган кўҳна ҳақиқат эсга тушади. Бу ўринда шахснинг маънавий-ахлоқий қиёфасигина эмас, тафаккури, маърифий савияси ҳам назарда тутилмоқда.

Эндиликда турли олди-қочди, уйдирма, саргузашт воқеаларнинг юзаки, сийқа баёнидан иборат бўлган турли газеталар, китоблар кўплаб чоп этилмоқда. Бундай нашрлар ўз маҳсулотларининг ғоявий, бадиий савияси учун жавоб бермайдилар, буни очиқ эътироф этадилар. Шундай мураккаб шароитда ўқувчининг яхши билан ёмонни фарқлай олиши осон эмас, албатта. Бу масалада холис ҳакамлик қилиши лозим бўлган танқидчилик жуда суст фаолият кўрсатмоқда. Демак, замона зайли билан мутолаа маданияти йўлида яна бир мураккаб муаммо пайдо бўлди. Бу борада матбуотда айрим баҳс-мунозаралар кузатилмоқда. Хўш, шундай вазиятда ўқувчига қандай маслаҳат, йўл-йўриқ кўрсатиш мумкин?

Ҳамма масалани вақт ҳал қилади, вақт ўз ўрнига қўяди, давр синовидан ўтган нашрлар, асарларгина яшаб қолади, десак янги гап айтган бўлмаймиз. Аммо унгача бутун бир авлоднинг диди, савиясига ўткинчи, юзаки нарсалар салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Демак, ҳозир, айни шу дамда нимадир қилиш керак. Кенгашли тўй тарқамас дейдилар. Келинг, шу ҳақда бирга гурунглашиб, фикрлашайлик.

GURUNG

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Дунёдаги барча адашишларнинг асосий сабаби илмсизликдир.

СУҚРОТ.

Юракнинг ақл билмайдиган далиллари бор.

Блез ПАСКАЛ.

Кўп инсонларга бахт бера олган инсон энг бахтли инсондир.

Дени ДИДРО.

Кайфиятнинг ҳамиша яхшилиги доноликнинг биринчи белгисидир.

Мишел де МОНТЕНЬ.

ГАПНИНГ ЛЎНДАСИ

Ҳаётда ҳам худди жамоат транспортида бўлгани каби қулай жойни эгаллаб олиш муҳимдир.

* * *

Хизмат вазифангда қанчалар юқорига кўтарилишинг сендан мамнун бўлганларга эмас, кўпроқ сендан безор бўлганларга боғлиқ.

* * *

Айрим кишиларга эрк бериб қўйсанг, куёшни ҳам хусусийлаштириб олади.

* * *

Ҳамма нарса инсоннинг қўлида. Шунинг учун уни тез-тез ювиб туриш керак.

* * *

Ҳар бир Пушкиннинг ўз Дантеси бўлади.

* * *

Ҳақиқат сиз томонда бўлса-да, бошқа томонга ҳам қараб қўйинг.

* * *

Хотиним оёқ учида юрсин десанг балеринага уйлан.

Бир куни Абдулла ҚАҲҲОР...



Кўнгилга тегмайдиган нарсалар

Дўрмонда ошхўрлик бўлаётган эди. Кимдир ошни мақтаб қолди:

— Ош ҳеч кўнгилга тегмайди-да!

— Ўлдирса ҳам ош ўлдирсин! — дейди яна бошқа ошхўр.

Жимгина суҳбатга қулоқ солиб турган Абдулла Қаҳҳор масалага янада аниқлик киритади:

— Кўнгилга тегмайдиган учта нарса бор — ош, нон ва хотин.

Кунлардан бир куни устоз ўз уйида овқатланиб ўтирганида рафиқаси Кибриё хоним унга чой қуйиб узатади.

Қопқоқни чайиб ичишади

Шу маҳал кутилмаганда чойнакнинг қопқоғи шарақлаб пиёлага тушиб кетади. Мундоқ қараганда фавқулодда, айтгулик ҳеч нарса бўлгани йўқ, тўқимтабиатроқ одам хотинига "Қопқоқни чойнакка маҳкамроқ боғлаб қўйсанг ўлармидинг, фаросатсиз", дея ўшқириши мумкин. Аммо устоз адиб ундай демайди. Айбини билиб, хижолат бўлиб турган хотинига кулимсираб, оҳиста гап қотади:

— Хайрият, чойнакнинг қопқоғини чайиб ичадиган кунларга ҳам етиб келдик.

«Покришка»си қалин экан

Абдулла Қаҳҳордан мақтов эшитиш адабиётда ҳам, ҳаётда ҳам жуда қийин бўлган, устоз бу борада анча талабчан, "хасис" эди. Бир куни адиб хотини билан меҳмонга боради. Ўртага қўйилган мантидан ёзувчи бир-икки олади-ю, сўнг егиси келмай, ноилож қўлини артиб, чой ичиб ўтираверади.

Қайтишда Кибриё хоним эридан сўрайди:

— Мантидан негадир емадингиз, нима, ёқмадими?

— Ҳа, "покришка"си қалин экан, томоғимдан ўтмади. Барибир ўзингиз тузук экансиз.

«Олтин-нон»

Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси жамоаси

юртимиз аҳлини

НАВРЎЗ — БАҲОР ВА ЯНГИЛАНИШ БАЙРАМИ

билан муборакбод этади.

Хонадонингизга тинчлик, дастурхонингизга қут-барака тилаймиз.

ТАШКИЛОТ

ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ҚУЙИДАГИ КЎЧАТЛАРНИ СОТАДИ:

ИГНА БАРГЛИ:

можжевельник, эльдор қарағайи, қрим қарағайи, тяньшань ели.



МАНЗАРАЛИ КЎЧАТЛАР:

дуб, каштан, ясень, клён, мажнунтол, тут, терак, қайин.

МЕВАЛИ КЎЧАТЛАР.

Сотиш баҳоси — келишилган нархда.

Кўчатлар кўпроқ миқдорда олинганда ташкилот ўз автотранспортида жойига етказиб беради ва кўчатни экишда амалий ёрдам кўрсатади.

Телефонлар: 192-97-62, 192-99-06.

«НАМУНА — СЕРВИС» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ

жамоаси барча Ўзбекистон аҳолисини кириб келаётган янгиланиш ва ўйғониш байрами бўлган

Наврўзи олам

билан чин дилдан муборакбод этади.

Наврўзи олам барчангизга кулгу, шодлик, олам-олам бахт олиб келсин.

366Н/2722

ОҚИБАТ

"Тангрига имон келтиришдан кейинги амалларнинг афзали — бу одамлар билан дўстлашишдир", дейилади муқаддас ҳадисларда.

Кундалик турмуш-турмушдан бизга маълумки, энг яқин дўстлар, хайрихоҳлар болаликда бирга ўсиб-улғайганлар, мактабда ёки турли ўқув даргоҳларида бирга ўқиганлар ёки бир жойда хизмат қилган ҳамкасблар орасида бўлади. Бу табиий ҳол, албатта. Одамнинг деярли ярим умри ишхонасида ўтади. Шу боис яхши-ёмон, хуш-нохуш кунларга узоқ йиллар гувоҳ бўлган ҳамкасблар ўзаро анча қадрдон бўлиб қолишади. Бу яқинлик гоҳо жуда узоқ, ҳатто бир умр давом этиши мумкин. Ҳамкасблардан кимдир бошқа ишга ўтиб кетса ёки яшаш жойини ўзгартирса ҳам улар ўртасидаги самимий муносабат, борди-келди йўқолмайди.

Бундан кўп йиллар муқаддам республика газеталаридан бирида хизмат қилган яқин дўстим шароит тақозосига кўра туғилган юртига жўнаб кетди. У жуда самимий, хушчақчақ йигит эди. Жамоада дарров ўрни билинди. Уни соғина бошладик. Иттифоқо, ўша дўстимнинг юртига хизмат сафари билан борадиган бўлиб қолдим. Боришим биланоқ биринчи галда уни йўқлаб қўйишни кўнглимдан ўтказдим. Жўнашдан олдин дўстимнинг манзилгоҳини қидириб тополмадим. Ўша таҳририятда биз билан бирга ишлашган, эндиликда пойтахтдаги нуфузли бир идорада раҳбарлик лавозимида хизмат қилаётган собиқ ҳамкасбимиздан ҳалиги дўстимнинг (улар ҳамюрт эдилар) манзилини аниқлаш учун телефон қилдим. Котиба қиз бошлиқнинг йўқ эканлигини айтди. Орадан икки-уч соат вақт ўтгач, яна телефон қилдим. Яна ўша жавоб бўлди. Шунда мен ўзимни таништириб, хизмат телефонимни маълум қилиб қўйдим. Кўнглимда, йўқлаганимни билса, зора ўзи ҳам телефон қилиб қолар деган умид бор эди. Афсуски, ўша куни ишим битмади. Хизмат сафарига жўнайдиган кун ҳам яқинлашиб қолди.

Эртаси куни собиқ ҳамкасбимга яна телефон қилишга мажбур бўлдим. Овозимни таниб қолган котиба бошлиқ ўзида эканлигини айтаркан, бир дақиқа кутиб туринг деди. Тажанг, дилтанг кайфиятда кута бошладим. Анчадан кейин котиба "Раҳбаримиз ҳозир сиз билан гаплашолмас экан, агар гапингиз бўлса ўринбосарига телефон қилишингиз мумкин экан", деди хижолатомуз оҳангда. Кутилмаган жавобни эшитиб, бошимдан бир челак совуқ сув қуйилгандек вужудим сесканиб кетди. Ажабо! Ахир мен собиқ совуқ сув қўйилгандек бўлди. Ахир, мен ҳамкасбимдан от билан туя сўрамоқчи эмасдим-ку! Бор-йўғи бир оғиз гап — ўша дўстимизнинг манзилини сўрамоқчи эдим, холос.

Қуръони каримда "Феълингиз — тақдирингиз" деган пурҳикмат калима бор. Дарҳақиқат, кимки нима топса феълидан топади. Меҳр-оқибат ҳам одамнинг феълига яраша бўлади. Дарвоқе, тилимизда "оқибат" деган пурҳикмат, ажойиб сўз бор. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да бу сўзга шундай таъриф берилади: "Оқибат – қадрдонлик, дўстлик туйғуси, меҳр, муҳаббат ва шундан келиб чиқадиган яхши муносабат, мурувват".

Менимча, бу тушунчани бошқа тилларга бир сўз билан таржима қилиб бўлмаса керак.

Халқимиз табиатан оқибатли, бағри кенг, саховатли халқ. Бунга мисоллар кўп. Одамийлик ва инсонийлик фазилатларини омухта қилиб, мухтасаргина сўз билан ифодалаймиз: "Фалончи оқибатли (демак, яхши) одам!

Агар кимдандир ҳафсаламиз пир бўлса, кўнглимиз қолса, дил изҳоримизни "Шуми оқибат?" дея маълум қиламиз. Оддий одамларнинг жайдари фалсафасига кўра, агар ўртада меҳр-оқибат бўлмаса, қариндош-уруғлар, дўстлар ҳам бегоналашиб кетади, агар меҳр-оқибат кўрсатилса, бегоналар ҳам ўзаро қариндош-уруғлардай яқин одамларга айланади. Шундай экан, азизлар, орамиздан ҳеч қачон меҳр-оқибат кўтарилмасин!

Машҳурлар ҳаётидан

Бир раққоса машҳур адиб Бернард Шоунинг ўткир ақлига ўзининг келишган қоматини тенг билиб, Шоуга турмушга чиқиш истагини билдирибди. "Жаноб Шоу, — деб бошлаганди раққоса ёзувчига йўллаган мактубини, — бир тасаввур қилинга, туғилажак фарзандимизда Сизнинг ақлингизу менинг гўзаллигим мужассам бўлса..."

Шоу раққосага шундай жавоб қилган экан:

"Худо кўрсатмасин, мабодо айтганингизнинг тескариси бўлиб қолса-чи. Ҳай-ҳай, ўтинаман Сиздан, мени тинч қўйинг..."

* * *

Машҳур юнон файласуфи Суқротдан шогирдлари сўрашибди:

— Никоҳ кўнгилдагидек бўлиши учун қандай шартлар керак?

— Бунинг учун икки нарса керак,— дебди Суқрот, — эр кар, хотин сўқир бўлиши керак.

* * *

Инглиз қироли Генрих VIII француз шаҳзодаси Франсиса элчи орқали нохушроқ бир хабарни юбормоқчи бўлади. Шаҳзоданинг қаҳри қаттиқлигини яхши билгани учун элчи бундай совуқ хабарни етказишга рағбат билдирмабди.

— Сиз қўрқманг,— депти қирол. — Агар француз қироли мабодо каллангизни олгудай бўлса, мен Англиядаги ҳамма француз элчиларининг калласини оламан.

— Бу чиндан ҳам шоҳона ҳиммат, — дебди элчи, — лекин у каллаларнинг биронтаси менинг елкамга тўғри келармикан?

Кичкина деманг бизни

— Кеча ойим мушугимизни ўрмонга олиб бориб адаштириб келгин, деган эди.

— Хўш, адаштириб келдингми?

— Қаёқда, ўзим мушукнинг орқасидан зўрға уйимизни топиб келдим.

* * *

Кўчада йўқолиб қолган болакай ўткинчи йўловчидан ёрдам сўрарди.

— Амаки, уйимизни топишга ёрдам беринг.

— Хўш, телефонинглар қанақа эди?

— Қоп-қора, рақамлари оппоқ.

* * *

Математика дарсида зерикиб ўтирган ўқувчи шеригига деди:

— Шу тобда сехргар бўлиб қолишни жуда-жуда истар эдим.

— Хўш, сехргар бўлсанг нима қилардинг?

— Мана шу ўқитувчимизни чумчуққа айлантириб, деразадан ташқарига учирворардим.

Бир кулишайлик

Бир семиз одам озмоқчи бўлиб дўхтирдан маслаҳат сўрабди. Дўхтир уни обдон текширгач, шундай дебди:

— Сиз парҳезга амал қилишингиз керак.

— Хўш, бу нима дегани?

— Ҳозирча сизга бульон, бўтқа, творог кифоя қилади.

— Бу нарсаларни овқатдан олдин ейманми ёки кейинми?

* * *

Профессор талабадан сўрабди:

— Қани айтингчи, имтиҳон дегани нима ўзи?

— Имтиҳон — икки ақлли кишининг ўзаро суҳбати, домла.

— Мабодо улардан бири ахмоқроқ бўлса-чи?

— Унда иккинчиси стипендиясиз қолади.

* * *

Полициячи изқуварни қойиб, деди:

— Ахир, қандай қилиб жосусни қўлдан чиқарвординг? Изма-из орқасидан кетаётган эдинг-ку?!

— Тўғри, аммо у кутилмаганда кинотеатрга кириб кетди-да.

— Хўш, сен-чи?

— Мен кириб ўтирмадим.

— Нега?

— Чунки бу кинони олдин кўрган эдим.

* * *

— Армияда хизмат қилаётганимда бирваракайига уч юзта аскарни сафдан чиқарганман.

— Ў-ҳў, қандай қилиб?

— Мен ошпаз эдим-да.

Кочирим

Суқрот ва қароқчилар

Донишманд Суқрот бир бой билан сафарга чиқибди. Йўлда улар қароқчиларга йўлиқишибди. Бой одам қўрқиб-қалтираб шундай дермиш:

— Э воҳ, қароқчилар менинг фалончи бой эканимни билиб қолишса аҳволим чатоқ бўлади.

Суқрот эса бундай дебди:

— Агар қароқчилар менинг Суқротлигимни билишмаса аҳволим чатоқ бўлади.

Саҳифани Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Бахтиёр Тоҳирович Зокировга укаси

Моҳиржон Тоҳирович ЗОКИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Физика-Қуёш» ИИЧБсининг Физика-техника институти жамоаси катта илмий ходими

Ҳабибулла Хўжақулович ДЖУЛИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг яқинлари, оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари Ижтимоий гуманитар фанлари кафедраси доценти Лола Ёдгоровага опаси

Маҳбуба ЁДГОРОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 42233 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Ориповов.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Каримов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.25 1 2 3 4 5 6

Боланги китоб ўқийдими?



Яқинда бир латифа эшитдим. Ёзувчи ўртоғидан сўраяпти:

— Янги романим чиқди, ўқидингми?

— Қаҳрамони ким эди?

— Ким охиригача ўқиб чиқса — ўша қаҳрамон-да!

Самарқандлик заҳматкаш ёзувчи Нусрат Раҳмат бир мақоласида ҳозирги кунга келиб фақат оддий китобхонгина эмас, қаламкашларнинг ўзлари ҳам китоб ўқимай қўйгани, ҳатто китобига дастхат битиб берган ҳамкасбининг асарини ҳам варақлаб қўйишдан эринаётгани ҳақида куйиниб ёзади.

Китобхонлик, мутолаа, шубҳасиз, инсоннинг маънавий камолотга эришувида муҳим воситадир. Яқин ўтмишда жадидлар миллатнинг тараққиёти ва фаровонлиги илму маърифатга боғлиқ, деб ҳисоблаганлар. Китобнинг, мутолаанинг тарбиявий кучига ишонганлар, уни тафаккур ва ақлий камолот манбаи деб билганлар. Уларнинг ғоялари ҳали-ҳамон эскирмаган. Француз мутафаккири Дидро эса "Одамлар ўқишдан тўхташлари билан фикрлашдан ҳам тўхтайдилар", деган эди.

Китобнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. На телевизор, на кино, на бошқа ахборот воситалари китоб берган маънавий-руҳий озуқани, нашъу намони бера олади. "Мутолаага берилиш — турмушда сўзсиз содир бўлиб турадиган зерикиш соатларини чексиз ҳузур-ҳаловат дамларига айлантиради", деган эди Ш. Монтескье.

Ҳамма нарса болаликдан бошланади деймиз. Ҳақ гап. Китобга меҳр болаликдан, мактабдан, оиладан бошланмоғи лозим. Айниқса, оилавий муҳитга кўп нарса боғлиқ. Эсимда, болалигимда отам шаҳарга кетаётиб "Сенга нима олиб келай?" десалар, мен китоб олиб келишларини илтимос қилардим. Эҳтимол, ўша болалик ва ўсмирлик йилларимда қўлимга тушган ва завқ-шавқ билан ўқиган китоблар менинг келажагимни, тақдиримни ҳал қилгандир.

Узун қиш кечалари отам сандал атрофида бизга "Ўтган кунлар"ни ўқиб берарди. Отабек ва Кумушнинг аччиқ қисматига ачиниб юм-юм йиғлаб ўтирардик. Яхши китоблардан қаттиқ таъсирланардик, завқ олардик. Афсуски, илгари анча кенг расмодат бўлган бундай яхши анъаналар ҳақида эсласак, ҳозирги ёшлар кулиб қўйишади.

Қуш уясида кўрганини қилади. Биз катталар шахсий ибратнинг таъсир-қудратига етарли аҳамият бермаймиз. Ароқ ичма деймизу ўзимизни бу оғудан тиёлмаймиз. Катталарни ҳурмат қилиш керак деймизу боланинг кўз олдида онасини хафа қиламиз. Худди шунингдек, китоб ўқиш керак дейиш билан чекланиб, ўзимиз гапимизга-илмимизга амал қилмасак ташвиқотимиздан фойда йўқ.

Мустақилликдан илгари ҳукмрон мафкура таъсирида шаклланган, ҳақиқий қадриятларимиз ҳақида нотўғри, бирёқлама, саёз тасаввур берувчи таълим тизимининг мутлақо яроқсиз эканлиги аллақачон аён бўлиб қолган. Ёш қалбларга нафосат, бадиият туйғусини сингдириш, хусусан адабиётни тўғри ўқитиш, ўргатиш, демакки, мутолаага ихлос уйғотиш муҳим ва мушкул вазифа. Афсуски, айрим мактабларда, ҳатто олий ўқув юртларида ҳам "нафис адабиёт муаллим"ларининг (Абдулла Қаҳҳор киноясси) ўзлари адабиётдан анча йироқдирлар. Шу боис уларнинг қўлида таълим олган ўқувчи, талабаларнинг китобга, катта адабиётга меҳр, ихлос қўйиши қийин. Беихтиёр "Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак" деган кўҳна ҳақиқат эсга тушади. Бу ўринда шахснинг маънавий-ахлоқий қиёфасигина эмас, тафаккури, маърифий савияси ҳам назарда тутилмоқда.

Эндиликда турли олди-қочди, уйдирма, саргузашт воқеаларнинг юзаки, сийқа баёнидан иборат бўлган турли газеталар, китоблар кўплаб чоп этилмоқда. Бундай нашрлар ўз маҳсулотларининг ғоявий, бадиий савияси учун жавоб бермайдилар, буни очиқ эътироф этадилар. Шундай мураккаб шароитда ўқувчининг яхши билан ёмонни фарқлай олиши осон эмас, албатта. Бу масалада холис ҳакамлик қилиши лозим бўлган танқидчилик жуда суст фаолият кўрсатмоқда. Демак, замона зайли билан мутолаа маданияти йўлида яна бир мураккаб муаммо пайдо бўлди. Бу борада матбуотда айрим баҳс-мунозаралар кузатилмоқда. Хўш, шундай вазиятда ўқувчига қандай маслаҳат, йўл-йўриқ кўрсатиш мумкин?

Ҳамма масалани вақт ҳал қилади, вақт ўз ўрнига қўяди, давр синовидан ўтган нашрлар, асарларгина яшаб қолади, десак янги гап айтган бўлмаймиз. Аммо унгача бутун бир авлоднинг диди, савиясига ўткинчи, юзаки нарсалар салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Демак, ҳозир, айни шу дамда нимадир қилиш керак. Кенгашли тўй тарқамас дейдилар. Келинг, шу ҳақда бирга гурунглашиб, фикрлашайлик.

GURUNG

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Дунёдаги барча адашишларнинг асосий сабаби илмсизликдир.
СУҚРОТ.

Юракнинг ақл билмайдиган далиллари бор.
Блез ПАСКАЛ.

Кўп инсонларга бахт бера олган инсон энг бахтли инсондир.
Дени ДИДРО.

Кайфиятнинг ҳамиша яхшилиги доноликнинг биринчи белгисидир.
Мишел де МОНТЕНЬ.

ГАПНИНГ ЛЎНДАСИ

Ҳаётда ҳам худди жамоат транспортида бўлгани каби қулай жойни эгаллаб олиш муҳимдир.

* * *

Хизмат вазифангда қанчалар юқорига кўтарилишинг сендан мамнун бўлганларга эмас, кўпроқ сендан безор бўлганларга боғлиқ.

* * *

Айрим кишиларга эрк бериб қўйсанг, қуёшни ҳам хусусийлаштириб олади.

* * *

Ҳамма нарса инсоннинг қўлида. Шунинг учун уни тез-тез ювиб туриш керак.

* * *

Ҳар бир Пушкиннинг ўз Дантеси бўлади.

* * *

Ҳақиқат сиз томонда бўлса-да, бошқа томонга ҳам қараб қўйинг.

* * *

Хотиним оёқ учида юрсин десанг балеринага уйлан.

Кўнгилга тегмайдиган нарсалар



Дўрмонда ошхўрлик бўлаётган эди. Кимдир ошни мақтаб қолди:

— Ош ҳеч кўнгилга тегмайди-да!

— Ўлдирса ҳам ош ўлдирсин! — дейди яна бошқа ошхўр.

Жимгина суҳбатга қулоқ солиб турган Абдулла Қаҳҳор масалага янада аниқлик киритади:

— Кўнгилга тегмайдиган учта нарса бор — ош, нон ва хотин.

Бир куни Абдулла ҚАҲҲОР...

Кунлардан бир куни устоз ўз уйида овқатланиб ўтирганида рафиқаси Кибриё хоним унга чой қуйиб узатади.

Қопқоқни чайиб ичишади

Шу маҳал кутилмаганда чойнакнинг қопқоғи шараклаб пиёлага тушиб кетади. Мундоқ қараганда фавқулодда, айтгулик ҳеч нарса бўлгани йўқ, тўқимтабиатроқ одам хотинига "Қопқоқни чойнакка маҳкамроқ боғлаб қўйсанг ўлармидинг, фаросатсиз", дея ўшқириши мумкин. Аммо устоз адиб ундай демайди. Айбини билиб, хижолат бўлиб турган хотинига қулимсираб, оҳиста гап қотади:

— Хайрият, чойнакнинг қопқоғини чайиб ичадиган кунларга ҳам етиб келдик.

«Покришка»си қалин экан

Абдулла Қаҳҳордан мақтов эшитиш адабиётда ҳам, ҳаётда ҳам жуда қийин бўлган, устоз бу борада анча талабчан, "хасис" эди. Бир куни адиб хотини билан меҳмонга боради. Ўртага қўйилган мантидан ёзувчи бир-икки олади-ю, сўнг егиси келмай, ноилож қўлини артиб, чой ичиб ўтираверади.

Қайтишда Кибриё хоним эридан сўрайди:

— Мантидан негадир емадингиз, нима, ёқмадими?

— Ҳа, "покришка"си қалин экан, томоғимдан ўтмади. Барибир ўзингиз тузук экансиз.

«Олтин-нон»
Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси жамоаси
юртимиз аҳлини
НАВРЎЗ — БАҲОР ВА ЯНГИЛАНИШ БАЙРАМИ
билан муборакбод этади.
Хонадонингизга тинчлик, дастурхонингизга қут-барака тилаймиз.

ТАШКИЛОТ
ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН
ҚУЙИДАГИ КЎЧАТЛАРНИ СОТАДИ:



ИГНА БАРГЛИ:
можжевельник, эльдор қарағайи, қрим қарағайи, тяньшань ели.
МАНЗАРАЛИ КЎЧАТЛАР:
дуб, каштан, ясень, клён, мажнунтол, тут, терак, қайин.
МЕВАЛИ КЎЧАТЛАР.
Сотиш баҳоси — келишилган нархда.
Кўчатлар кўпроқ миқдорда олинганда ташкилот ўз автотранспортида жойига етказиб беради ва кўчатни экишда амалий ёрдам кўрсатади.
Телефонлар: 192-97-62, 192-99-06.

ОҚИБАТ

"Тангрига имон келтиришдан кейинги амалларнинг афзали — бу одамлар билан дўстлашишдир", дейилади муқаддас ҳадисларда.

Кундалик турмуш-турмушдан бизга маълумки, энг яқин дўстлар, хайрихоҳлар болаликда бирга ўсибулғайганлар, мактабда ёки турли ўқув даргоҳларида бирга ўқиганлар ёки бир жойда хизмат қилган ҳамкасблар орасида бўлади. Бу табиий ҳол, албатта. Одамнинг деярли ярим умри ишхонасида ўтади. Шу боис яхши-ёмон, хуш-нохуш кунларга узоқ йиллар гувоҳ бўлган ҳамкасблар ўзаро анча қадрдон бўлиб қолишади. Бу яқинлик гоҳо жуда узоқ, ҳатто бир умр давом этиши мумкин. Ҳамкасблардан кимдир бошқа ишга ўтиб кетса ёки яшаш жойини ўзгартирса ҳам улар ўртасидаги самимий муносабат, борди-келди йўқолмайди.

Бундан кўп йиллар муқаддам республика газеталаридан бирида хизмат қилган яқин дўстим шароит тақозосига кўра туғилган юртига жўнаб кетди. У жуда самимий, хушчақчақ йигит эди. Жамоада дарров ўрни билинди. Уни соғина бошладик. Иттифоқо, ўша дўстимнинг юртига хизмат сафари билан борадиган бўлиб қолдим. Боришим биланоқ биринчи галда уни йўқлаб қўйишни кўнглимдан ўтказдим. Жўнашдан олдин дўстимнинг манзилгоҳини қидириб тополмадим. Ўша таҳририятда биз билан бирга ишлашган, эндиликда пойтахтдаги нуфузли бир идорада раҳбарлик лавозимида хизмат қилаётган собиқ ҳамкасбимиздан ҳалиги дўстимнинг (улар ҳамюрт эдилар) манзилини аниқлаш учун телефон қилдим. Котиба қиз бошлиқнинг йўқ эканлигини айтди. Орадан икки-уч соат вақт ўтгач, яна телефон қилдим. Яна ўша жавоб бўлди. Шунда мен ўзимни таништириб, хизмат телефонимни маълум қилиб қўйдим. Кўнглимда, йўқлаганимни билса, зора ўзи ҳам телефон қилиб қолар деган умид бор эди. Афсуски, ўша куни ишим битмади. Хизмат сафарига жўнайдиган кун ҳам яқинлашиб қолди.

Эртаси куни собиқ ҳамкасбимга яна телефон қилишга мажбур бўлдим. Овозимни таниб қолган котиба бошлиқ ўзида эканлигини айтаркан, бир дақиқа кутиб туринг деди. Тажанг, дилтанг кайфиятда кута бошладим. Анчадан кейин котиба "Раҳбаримиз ҳозир сиз билан гаплашолмас экан, агар гапингиз бўлса ўринбосарига телефон қилишингиз мумкин экан", деди хижолатомуз оҳангда. Кутилмаган жавобни эшитиб, бошимдан бир челак совуқ сув қуйилгандек вужудим сесканиб кетди. Ажабо! Ахир мен собиқ совуқ сув қуйилгандек бўлди. Ахир, мен ҳамкасбимдан от билан туя сўрамоқчи эмасдим-ку! Бор-йўғи бир оғиз гап — ўша дўстимизнинг манзилини сўрамоқчи эдим, холос.

Қуръони каримда "Феълингиз — тақдирингиз" деган пурҳикмат калима бор. Дарҳақиқат, кимки нима топса феълидан топади. Меҳр-оқибат ҳам одамнинг феълига яраша бўлади. Дарвоқе, тилимизда "оқибат" деган пурҳикмат, ажойиб сўз бор. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да бу сўзга шундай таъриф берилади: "Оқибат – қадрдонлик, дўстлик туйғуси, меҳр, муҳаббат ва шундан келиб чиқадиган яхши муносабат, мурувват".

Менимча, бу тушунчани бошқа тилларга бир сўз билан таржима қилиб бўлмаса керак.

Халқимиз табиатан оқибатли, бағри кенг, саховатли халқ. Бунга мисоллар кўп. Одамийлик ва инсонийлик фазилатларини омухта қилиб, мухтасаргина сўз билан ифодалаймиз: "Фалончи оқибатли (демак, яхши) одам!

Агар кимдандир ҳафсаламиз пир бўлса, кўнглимиз қолса, дил изҳоримизни "Шуми оқибат?" дея маълум қиламиз. Оддий одамларнинг жайдари фалсафасига кўра, агар ўртада меҳр-оқибат бўлмаса, қариндош-уруғлар, дўстлар ҳам бегоналашиб кетади, агар меҳр-оқибат кўрсатилса, бегоналар ҳам ўзаро қариндош-уруғлардай яқин одамларга айланади. Шундай экан, азизлар, орамиздан ҳеч қачон меҳр-оқибат кўтарилмасин!

Машҳурлар ҳаётидан

Бир раққоса машҳур адиб Бернард Шоунинг ўткир ақлига ўзининг келишган қоматини тенг билиб, Шоуга турмушга чиқиш истагини билдирибди. "Жаноб Шоу, — деб бошлаганди раққоса ёзувчига йўллаган мактубини, — бир тасаввур қилинга, туғилажак фарзандимизда Сизнинг ақлингизу менинг гўзаллигим мужассам бўлса..."

Шоу раққосага шундай жавоб қилган экан:

"Худо кўрсатмасин, мабодо айтганингизнинг тескариси бўлиб қолса-чи. Ҳай-ҳай, ўтинаман Сиздан, мени тинч қўйинг..."

* * *

Машҳур юнон файласуфи Сукротдан шогирдлари сўрашибди:

— Никоҳ кўнгилдагидек бўлиши учун қандай шартлар керак?

— Бунинг учун икки нарса керак,— дебди Сукрот, — эр кар, хотин сўқир бўлиши керак.

* * *

Инглиз қироли Генрих VIII француз шаҳзодаси Франсисга элчи орқали нохушроқ бир хабарни юбормоқчи бўлади. Шаҳзоданинг қаҳри қаттиқлигини яхши билгани учун элчи бундай совуқ хабарни етказишга рағбат билдирмабди.

— Сиз қўрқманг,— депти қирол. — Агар француз қироли мабодо каллангизни олгудай бўлса, мен Англиядаги ҳамма француз элчиларининг калласини оламан.

— Бу чиндан ҳам шоҳона ҳиммат, — дебди элчи, — лекин у каллаларнинг биронтаси менинг елкамга тўғри келармикан?

Кичкина деманг бизни

— Кеча ойим мушугимизни ўрмонга олиб бориб адаштириб келгин, деган эди.

— Хўш, адаштириб келдингми?

— Қаёқда, ўзим мушукнинг орқасидан зўрға уйимизни топиб келдим.

* * *

Кўчада йўқолиб қолган болакай ўткинчи йўловчидан ёрдам сўрарди.

— Амаки, уйимизни топишга ёрдам беринг.

— Хўш, телефонинглар қанақа эди?

— Қоп-қора, рақамлари оппоқ.

* * *

Математика дарсида зерикиб ўтирган ўқувчи шеригига деди:

— Шу тобда сехргар бўлиб қолишни жуда-жуда истар эдим.

— Хўш, сехргар бўлсанг нима қилардинг?

— Мана шу ўқитувчимизни чумчуққа айлантириб, деразадан ташқарига учирворардим.

Бир кулишайлик

Бир семиз одам озмоқчи бўлиб дўхтирдан маслаҳат сўрабди. Дўхтир уни обдон текширгач, шундай дебди:

— Сиз парҳезга амал қилишингиз керак.

— Хўш, бу нима дегани?

— Ҳозирча сизга бульон, бўтқа, творог кифоя қилади.

— Бу нарсаларни овқатдан олдин ейманми ёки кейинми?

* * *

Профессор талабадан сўрабди:

— Қани айтингчи, имтиҳон дегани нима ўзи?

— Имтиҳон — икки ақлли кишининг ўзаро суҳбати, домла.

— Мабодо улардан бири ахмоқроқ бўлса-чи?

— Унда иккинчиси стипендиясиз қолади.

* * *

Полициячи изқуварни қойиб, деди:

— Ахир, қандай қилиб жосусни қўлдан чиқарвординг? Изма-из орқасидан кетаётган эдинг-ку?!

— Тўғри, аммо у кутилмаганда кинотеатрга кириб кетди-да.

— Хўш, сен-чи?

— Мен кириб ўтирмадим.

— Нега?

— Чунки бу кинони олдин кўрган эдим.

* * *

— Армияда хизмат қилаётганимда бирваракайига уч юзта аскарни сафдан чиқарганман.

— Ў-ҳў, қандай қилиб?

— Мен ошпаз эдим-да.

Кочирим

Суқрот ва қароқчилар

Донишманд Суқрот бир бой билан сафарга чиқибди. Йўлда улар қароқчиларга йўлиқишибди. Бой одам қўрқиб-қалтираб шундай дермиш:

— Э воҳ, қароқчилар менинг фалончи бой эканимни билиб қолишса аҳволим чатоқ бўлади.

Суқрот эса бундай дебди:

— Агар қароқчилар менинг Суқротлигимни билишмаса аҳволим чатоқ бўлади.

Саҳифани Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.

«НАМУНА — СЕРВИС»
ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ
жамоаси барча Ўзбекистон аҳолисини кириб келаётган янгиланиш ва ўйғониш байрами бўлган
Наврўзи олам
билан чин дилдан муборакбод этади.
Наврўзи олам барчангизга қувғу, шодлик, олам-олам бахт олиб келсин.
366Н/2723

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Бахтиёр Тоҳирович Зокировга укаси
Моҳиржон Тоҳирович ЗОКИРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Физика-Қуёш» ИИЧБсининг Физика-техника институти жамоаси катта илмий ходими
Ҳабибулла Хўжақулович ДЖУЛИЕВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг яқинлари, оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари Ижтимоий гуманитар фанлари кафедраси доценти Лола Ёдгоровага опаси
Маҳбуба ЁДГОРОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 42233 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Ориповов.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Каримов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.25 1 2 3 4 5 6

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси олдидан

Олий Мажлис юқори палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун ҳам киритилган. Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Мавжуда Ражабованинг хабар қилишича, прокуратура назоратидаги материаллар, шунингдек, давлат божхона хизмати ва ички ишлар органларининг ҳуқуқий амалиёт ҳақидаги фактлар таҳлили рангли металлар чиқиндиларини мамлакатдан ташқарига олиб чиқиш учун кўплаб уринишлар содир этилаётганлигини кўрсатмоқда.

Ҳуқуқий асос

Ҳатто, ана шундай қора ниятда коммуникация тармоқларига зиён етказиш, трансформаторлар, агрегат ва двигателларнинг турли эҳтиёт қисмларини ҳам талон-торож этиш ҳоллари учрамоқда. Бу эса хўжалик юритувчи турли субъектларга катта иқтисодий зарар етказмоқда.

Буларнинг барчаси рангли металлар, унинг чиқиндиларини тайёрлаш, сотиб олиш ва фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун жиноий ва маъмурий жавобгарликни кучайтиришни талаб қилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 июндаги «Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тавсия этилди. Бу ҳуқуқий ҳужжат парламентнинг қуйи палатасида қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган.

Жиноят кодексининг 185-1- моддасига киритилаётган ўзгартишлар ҳақида гапирадиган бўлсак, унда, жумладан, юқорида келтирилган қонунбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш режалаштирилмоқда. Хусусан, бундай ноқонуний ишлар учун минимал жарима миқдори энг кам иш ҳақининг элликдан юз бараваригача, максимал жарима эса энг кам иш ҳақининг юз бараваридан юз эллик бараваригачани ташкил этади. Ушбу модданинг иккинчи қисми эса бир гуруҳ шахслар томонидан ноқонуний ҳаракатларнинг йирик миқдорда ва илгаридан уюштирилган ҳолда қайта такрорланиши учун жавобгарликни назарда тутади. Бунинг учун энг кам иш ҳақининг юз эллик бараваридан уч юз бараваригача жарима солиниши ёки икки йилдан уч йилгача тузатиш ишларига жалб қилиниши ёхуд олти ойга ҳибсга олиниши мумкин.

Бир гуруҳ шахслар ёки уларнинг манфаатлари йўлида қилинган шунга ўхшаш ўта йирик ҳажмдаги ноқонуний ҳаракатлар учун Жиноят кодекснинг юқорида қайд этилган моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, энг кам иш ҳақининг уч юздан олти юз бараваригача жарима солинади ёки уч йилгача озодликдан маҳрум этилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг маъмурий жавобгарлик бўйича 219-моддасига киритилган ўзгартиришлар эса фуқаролар ва амалдорларнинг рангли металлар парчалари ва унинг чиқиндиларидан фойдаланиш, сотиб олиш, сотиш ва тайёрлаш қоидаларини бузганлик учун жарималар миқдорини оширишни кўзда тутади.

Бу қонуннинг қабул қилиниши ушбу соҳада қонунийликнинг амалда мустаҳкамланишига, рангли металл, унинг чиқиндиларини йиғиш ва тайёрлашга масъул бўлган амалдорларнинг жавобгарлигини оширишга ҳамда уларнинг мамлакатимиздан ноқонуний чиқариб кетилишининг олдини олишга хизмат қилади.

П. ДОНИЁРОВ
ёзиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши 2006 йилнинг 24 июнида парламент юқори палатаси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ҳамкорлигини таъминлаш, назорат фаолиятини кучайтириш, барча бўғинлардаги депутатлар фаоллигини ошириш юзасидан қарор қабул қилган эди.

Кенгашли тўй тарқамас

Нукус ва Тахиатош шаҳарларида, Кўнғирот, Беруний, Чимбой туманларида мазкур қарор ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган амалий анжуманлар ўтказилди. Уларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли шаҳар ва туманлар кенгашлари депутатлари иштирок этиб, доимий комиссиялар фаолиятини янада жонлантириш, халқ депутатларининг сайловчилар, жамоатчилик билан мулоқотини мувофиқлаштириш, мавжуд қонунлар ижросини ўрганиш борасидаги долзарб вазифаларни муҳокама қилдилар. Тадбирларда Олий Мажлис Сенати аъзоси Н. Айимбетов қатнашди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 19 март куни "Ўзбекистон — Европа Иттифоқи" парламент ҳамкорлиги қўмитасининг олтинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Европа Иттифоқи парламенти аъзоларидан иборат делегация иштирок этди.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Тадбирда "Ўзбекистон — ЕИ" парламент ҳамкорлиги қўмитасининг Ўзбекистон томонидан ҳамраиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитаси раиси М.Тешабоев мамлакатимиз билан Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқалар фаол ривожланаётганини таъкидлади.

"Ўзбекистон – ЕИ" парламент ҳамкорлиги қўмитасининг Европа Иттифоқи томонидан ҳамраиси, Европарламент депутати, Европарламентнинг Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқалар бўйича делегацияси раиси Она Юкневичиене хоним Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқалар ривожида парламентларо ҳамкорлик муҳим ўрин тутишини қайд этди.

Мамлакатимизда миллий, умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланган ҳолда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди. Ўзбекистон фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш сари дадил қадамлар ташламоқда. Жамиятни демократлаштириш, сиёсий партияларнинг фаоллигини ошириш, оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш юзасидан қабул қилинган қонунлар мамлакатимизда демократик тамойиллар изчиллик билан амалга оширилаётганининг яна бир тасдиғидир.

Учрашувда томонларни қизиқтирган долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, Марказий Осиё ва Европада терроризмга, уюшган жиноятчилик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш масалалари кўриб чиқилди.

Европарламент делегацияси аъзолари шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокаралар ўтказди.

(ЎзА).

Наврўзи олам келаётир...

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугун биз Наврўзни нафақат баҳор байрами, яшариш, янгиланиш байрами, балки янги йил, янги куннинг бошланиши, йил мобайнида амалга оширган бунёдкорлик ишларимизни сарҳисоб қиладиган, келгусидаги, истиқболдаги орзу-ниятларимизни чамалаб кўриб, аниқ йўналиш ва мақсадлар асосида янги режаларимизни белгилаб оладиган айём сифатида ҳам байрам қиламиз.

Шу қутлуғ Наврўз тонгида юртимизга, жонажон Ўзбекистонимизга бир қур разм ташланг. Асрларга татигулик бунёдкорлик ишларининг, улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўласиз. Бу улуғ ишлардан, қалбингиз кўклам тонгларидек яшнаб, яшариб кетганини вужуд-вужудингиз билан ҳис этасиз. Шу юрт, озод, ҳур диёр фарзанди эканлигингиздан, ана шу буюк ишларда, озгинагина бўлса-да, ҳиссангиз борлигидан юрагингизни ғурур, ифтихор ҳисси чулғаб олади.

Мамлакатимиз раҳбари шу йилнинг 12 февралида бўлиб ўтган 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодиёт ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий жабҳасида амалга оширилган самарали ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик иишларини атрофлича таҳлил этиш билан бирга янги йилдаги олдимизда турган улуғ мақсад-вазифаларни ҳам атрофлича таҳлил этиб берди.

Президентимизнинг маърузасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш чора-тадбирларининг изчил амалга ошириш натижасида иқтисодий ўтишнинг барқарор юқори суръатлари, инфляция даражасининг пасайиши ва халқ фаровонлигининг ошиши тенденциялари мустаҳкамланганлиги қайд этилди.

2006 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 7,3 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 10,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,2 фоизга, хизматлар кўрсатиш соҳасида 19,5 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари 12,8 фоизга ўсди.

Мустақиллик қалдирғочлари бўлган фермер хўжаликлари амалда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига, унинг барқарор ривожланишини таъминлашда етакчи ҳаракатлантирувчи кучга айланди. Ҳозирги пайтда республикамизда 190 мингга яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда ва уларда салкам 1,4 миллион киши меҳнат қилмоқда. Агар 2000 йилда етиштирилган пахта ҳосилининг 21 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 86 фоиздан ошиб кетди, бошоқли дон экинлари етиштириш бўйича эса 2000 йилда 15 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йил 75 фоиздан иборат бўлди. Биргина 2006 йилнинг ўзида 666 та ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ҳисобидан 74 мингта фермер хўжалиги тузилди.

Бир сўз билан айтганда, қишлоқдаги самарали ислоҳотлар туфайли ер, мулк ҳақиқий эгасини топди. Одамлар «менинг ерим, менинг далам» деб юксак ниятларни кўзлаб астойдил енг шимариб ишлайдиган бўлдилар.

2006 йилда аҳолининг кам таъминланган ва муҳтож қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш борасида аниқ йўналтирилган самарали чора-тадбирларни амалага ошириш, таълим, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида мақсадли умуммиллий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш масалаларига катта эътибор қаратилди.

Фақатгина «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида кўзда тутилган тадбирлар ижроси учун қарийб 284 миллиард сўм, жумладан, 133 миллиард сўм бюджет маблағи, 151 миллиард сўмдан зиёд идора ва ташкилотлар, ҳомийлар маблағи сарфлангани ҳам шундан далолат беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш натижасида 1997 йилдан буён касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари учун қарийб 600 минг нафар малакали ёш кадрлар тайёрланди.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бу бизнинг катта ютуғимиз. Биз 600 минг ёш, келажакка интилган, кўзлари ёниб турган йигит қизларимизни ҳаётга тайёрладик. Уч йиллик ўқиш давомида замонавий касб ва дунёқараш эгаси бўлган, ҳорижий тилларни пухта биладиган ёш авлодимиз ҳаётга кириб келмоқда.

Фарзандлари келажагини ўйлаб яшаш-ўзбек миллатига хос фазилат. Мустақиллик туфайли эса бу олижаноб иш давлат миқёсига кўтарилди. Шаҳар-қишлоқларимизда бири-биридан кўркам ва муҳташам мактаблар, лицей ва коллежлар қад ростлади. Бу билим даргоҳларидаги синфоналари, фан лабораториялари дунёдаги мана-ман деган давлатлар ўқув даргоҳларидаги жиҳозлардан қолишмайдиган энг замонавий асбоб-ускуналар, ўқув қуроллари билан жиҳозланди.

Биргина 2006 йилнинг ўзида 8 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 6 та академик лицей ва 70 минг ўринли 124 та касб-ҳунар коллежи қуриб фойдаланишга топширилди. 8,7 миллиард сўмлик ва 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги ўқув-лаборатория жиҳозлари харид қилинди.

Юқоридагилар фақат қишлоқ хўжалигидаги, мактабмаориф соҳасидаги ўзгаришлар. Бундай ютуқларни санъат, қурилиш ва бошқа соҳаларда ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Бугун, бизга, Ўзбекистонимизга кўпларнинг ҳаваси келаётгани ҳам бежиз эмас. Ўзбек замини кишилари ўз Йўлбошчилари раҳнамолигида ҳамма соҳаларда ҳам қувончли ютуқларни қўлга киритаётганлиги дўстларимизни мамнун этиб, айрим ҳасадгўйларнинг ғашини келтираётгани ҳам бугун сир эмас. Биз истиқлол йилларида фақат ўзимизни ғалла билан таъминлаб қолмасдан, айни вақтда ғалла ва ун маҳсулотларини экспорт ҳам қилмоқдамиз. Жаҳон пахта бозорларида «оқ олтин»имиз шуҳрати ошгандан ошиб бораяпти.

Бугун Наврўзи олам келаётир. Ҳамманинг кўнглида байрамона шукуҳ. Халқимизнинг кўзлаган манзили буюк, одимлари залворли, орзу мақсадлари юксак.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, 2007 йилни юртимизда Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилингани алоҳида мазмун ва аҳамият касб этади. Бу борада қабул қилинган Дастур ва режаларимизнинг бош мақсади — халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишдан иборатдир.

Ҳақиқатда эса, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш учун ҳар биримиз, шу юрт фуқаросиман деган ҳар бир инсон ўзининг куч-қуввати ҳаракати ва ҳиссасини аямаслиги керак.

Энг муҳими, юртимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва меҳр оқибат муҳити барқарор. Одамлар юртимиздаги, ҳаётларидаги улуғ ўзгаришларни кўриб, билиб, ҳис этиб туришибди.

Камолингга, жамолингга кўз тегмасин, жонажон Ўзбекистон!
Наврўз байрамингиз муборак бўлсин, азиз дўстлар!

ПОЙҚАДАМИ ҚУТЛУҒ, НИЯТИ ПОКИЗА

Кўкламнинг илк кунларида кенг нишонланган айём туфайли хотин-қизларимиз юзига ёйилган қувонч атрофни янада гўзаллаштириб юборгандек бўлди. Айниқса, бу ҳақда аёлларнинг ўзлари сўз айтса, янада ҳаяжонли ва таъсирли бўлар экан.

Баҳор мушоираси

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида ташкиллаштирилган тадбир айни шундай руҳда ўтди. "Баҳорни соғиниб" деб номланган ушбу адабий кечада шоиралар, театр ижодкорлари ва китобхон ёшлар дилдан суҳбатлашишди.

Тадбир аввалида шеърият ихлосмандлари Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари ижодидан намуналар тингладилар. Уларда юртимиз қизларининг бугунги турмуши, эртанги кунга ишонч ва умидлари намоён бўлди. Жумладан, ёш шоира Шаҳноза Турсунова

Қуёш нурларини
тўсмас қўлларим,
Пурвиқор манзилим,
нурли йўлларим.

сатрлари билан бошланувчи шеърида юртимиз аёлларига кўрсатилаётган бугунги эътибор ҳамда ёш авлодга яратилган шароитлардан мамнунлик изҳор этди.

Шунингдек, тадбирда Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри ҳамда Рус миллий маданият маркази аъзолари иштирок этиб, ўз чиқишлари билан йиғилганларни хушнуд қилдилар. Анжуман сўнгида "Аёл борки, олам мунаввар" номли китоблар кўргазмаси намойиш этилди.

Анвар САМАДОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Анъана

Офтобнинг илиқ тафти бутун борлиқни уйғотяпти. Баҳор ва Наврўзнинг илиқ тафтини, умидбахш нафасини, илиқ эпкинларини ҳаммадан олдин қашқадарёлик деҳқонлар ҳис этадилар. Янги-янги орзу-умидлар билан йилбошини шарафлайдилар. Зеро, келаётган йилимиз мўл-кўлчилик йили бўлсин, бахт ва омадлар йили бўлсин, дея бободеҳқонлар дуога қўл очадилар. Ватан табиати ўзининг саховатини иньом этаётган шундай онларда ҳар бир инсон қалбида эзгу ишларга бўлган интилиш юз очади. Айниқса бу йил мамлакатимизда Ижтимоий ҳимоя йили деб номланиши хайрли ишларга қанот бахш этади.

Эзгуликка ошуфта кўнгил

Шаҳрисабзликлар баҳор юмушларини, Наврўзолди кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш тадбирларини аллақачон бошлаб юборганлар. Кўча ва ҳиёбонларни тозалаш, кўчатлар ўтқазиш, уйжойларни саранжом-саришта қилиш, ёрдамга муҳтож қариялар, ногиронлар ва беморларни йўқлаш, меҳрибонлик уйларига меҳр-мурувват кўрсатиш ҳар бир инсоннинг ажойиб фазилатига айланган. Шу йилнинг 17-18 февраль кунлари туманда Наврўз умумхалқ ҳашари ўтказилди. Тушган маблағлар "Наврўз" хайрия жамғармаси туман бўлими орқали ёрдамга муҳтож фуқароларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга сарфланмоқда.

Шаҳрисабз тумани ҳокимлиги нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, хайрия жамғармалари тўлақонли фаолият юргизиши учун алоҳида эътибор билан қарайди. "Наврўз" жамғармаси туман бўлимининг ўтган йилги фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, 300 дан ортиқ оилага амалий ёрдам кўрсатилганлиги, 2573400 сўмлик дори-дармон, озиқ-овқат ҳамда пул маблағлари тарқатилганлиги кўзга ташланади. Амир Темур бобомиз таваллудининг 670 йиллиги муносабати билан Шаҳрисабзда ўтказилган Мумтоз наволар анжуманида жамғарма бўлими 1800000 сўмлик ҳисса қўшди. Умуман, туманда ўтказиладиган байрам тадбирлари жамғарманинг алоҳида эътиборисиз ўтмайди.

Ўтган йили Қарши шаҳрида Республика "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Туман бўлими ҳам бу тадбирдан четда қолгани йўқ. Бу ўринда "Наврўз" хайрия жамғармасининг Қашқадарё вилояти бўлими, Қарши шаҳар бўлими биргаликда спорт байрамини, Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тантаналарини ва бошқа тадбирларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун салкам 25 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Умуман олганда, Қашқадарё вилоятида "Наврўз" хайрия жамғармаси бўлимларининг фаолияти диққатга сазовор. Бу борада вилоят ҳокимлигининг амалий ёрдами сезилиб туради.

Бўлим 2002-2006 йилларда кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, нафақахўрлар, ногиронлар ва беморлардан 1444 кишига 32.385.500 сўмлик мурувват ишларини амалга оширди. Меҳрибонлик уйларига ва махсус мактаб-интернатларда тарбияланаётган болалардан 1066 нафарига 404800 сўмлик хайрия ёрдамлари берилди. Кам таъминланган оилаларнинг 100 нафар боласига 350 минг сўмлик дарсликлар сотиб олиб берилди.

Мамлакатимизда нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, хайрия жамғармалари фаолиятига алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса бизнинг фаолиятимизга боғлиқ бир неча қонун ва қарорлар қабул қилиндики, бунинг натижасини яққол сезиб турибмиз. "Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолиятларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда ва "Ҳомийлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунларда жамғармаларга грантлар берилиши, субсидия ва бошқа молиявий ёрдамлар ажратиши тўғрисидаги имтиёзлар бизни ниҳоятда қувонтириб юборди. Бундан ташқари фаолият юргизишимиз учун берилган бошқа имтиёзлар ишларимизнинг янада жадал ва самарали бўлишидан далолат бериб турибди. Умуман Халқаро "Наврўз" хайрия жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари ўз фаолиятини қайтадан жонлантирмоқда. Бу йилги Ижтимоий ҳимоя йилида бажариладиган ишларимизнинг режаларини белгилаб олганмиз. Уларни амалга ошириш, саховат ишларида қатнашиш, хайрия фаолиятини тарғиб қилиш, миллий қадриятларимизни авайлаб асраш, умуман инсонни эъзозлаш бизнинг асосий бурчимиздир.

Дилфуза ХОЛМУРОДОВА,
Халқаро "Наврўз" хайрия жамғармаси Шаҳрисабз бўлими бошлиғи.

КОНЧИЛАР ТУҲФАСИ

Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги боғдорчилик ва чорвачиликда донг таратган Зарбанд қишлоғи фарзандлари эндиликда энг сўнгги русумдаги компьютерларда замонавий техника сабоқларини ўрганиш имконига эга бўлди. Наврўз байрами арафасида қишлоқдаги 61-мактабга «Самарқандмармар» бирлашмасига қарашли «Зармармар» ва «Зарбанд» мармар конлари жамоалари ҳомийлик ёрдами кўрсатди — 24 та компьютер тўплами келтириб ўрнатилди.

Мактаб жамоаси, ўқитувчи ва ўқувчилар, ота-оналар ҳомийларнинг бу саховатидан ғоят мамнун.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

Жиззах шаҳрида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг Наврўз байрамига бағишланган расмлар кўргазмаси намойиш этилди. Унда эллик нафарга яқин ёш мусаввир рангтасвир, компьютер графикаси ва графика йўналишидаги асарлари билан иштирок этди.

ТАСВИРЛАРДА КЎКЛАМ НАФАСИ

Баҳорни бежиз ёшликка қиёсламайдилар. Бу табиий муштараклик кўргазмага қўйилган ёшлар ижодида ҳам акс этди. Ёш мусаввирларнинг гўзал ва фусункор байрам тасвирини яратиш борасидаги изланишлари барчага манзур бўлди. Ўсмир назари билан яратилган тасвирлар орасида томошабинни ҳам, таниқли рассомлардан иборат ҳайъат аъзоларини ҳам ҳайратга соладиган асарлар кўп эди. Кўргазмада намойиш этилган расмлар ёшларнинг Наврўз тарихи ва бу байрам билан боғлиқ миллий ҳамда умуминсоний қадриятлардан, урф-одатлардан яхши бохабар эканини кўрсатди.

Жиззах шаҳар саноат коллежи ўқувчиси Наргиза Файзиеванинг «Наврўзой», «Баҳор келди» номли расмлари биринчи ўринга муносиб топилди ва кўргазманинг мамлакат босқичига тавсия этилди. Кейинги ўринларни "Сайилжойи" академик лицейи ўқувчиси Азиз Олимов ҳамда Жиззах транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Акмал Икромов ишлари эгаллади.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

Бир олам орзулар билан юртимизга Наврўз кириб келмоқда. Унинг ташрифини биз ҳамиша орзиқиб кутамиз. Мухбиримизнинг Наманган вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Шокир ҚОРАБОЕВ билан суҳбати кўҳна ва навқирон айём хусусида.

Байрам алёр билан файзли

— Бу галги тантаналарни ҳар қачонгидан бошқачароқ ташкил этиш учун қатор оммавий-маданий ва спорт тадбирларини режага киритганмиз. Оммавий халқ сайли ва театрлаштирилган томошалар Вилоят марказидан тортиб энг олис қишлоқларгача қамраб олади. Дастурларнинг йўналишлари ҳудудларга хос миллий урф-одатлар, анъаналарни акс эттирувчи бадиий чиқишлар, баркамол ва соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган оммавий спорт ўйинлари ҳамда мусобақалар билан уйғунлаштирилган. Уларда ёш истеъдодли санъаткорлар, миллий дорбозлик ва цирк гуруҳлари маҳоратларини намойиш этишади. Халқ ўйинлари, лапар ва ўланлар, аския-ҳангомалар, қизиқчилик ва яллахонликларга кенг ўрин берилади.

Айни пайтда бадиий ҳаваскорлик жамоалари байрамга мўлжаллаган махсус дастурларини қайта-қайта тайёргарликдан ўтказишяпти. Концерт ва театрлаштирилган томошалар жадвал асосида туман марказлари, қишлоқ, маҳаллаларда ҳам ташкил этилади. Масалан, Наманган тумани марказидаги «Ёшлар» амфитеатрида катта концерт намойиш этиш кўзда тутилган. Туманнинг барча қишлоқлари

рида «Наврўзинг муборак, Узбекистоним!» оммавий сайллари, Тошбулоқ шаҳарчасида эса «Баҳор таомлари» кўрик-танлови ташкил этилади. Асосий тадбирлар вилоят марказида уюштирилади. Жумладан, 21 март куни Наманган шаҳридаги Бобур ва Машраб номли истироҳат боғларига халқ сайлга чиқади. Оқшомда «Ёшлар спорт мажмуаси» амфитеатри барчани театрлаштирилган томошаларга таклиф этади.

Вилоятдаги 856 маҳаллада Наврўзолди тадбирлари қизғин. Кайвони онахонлар қиз-жувонларини ёнларига олиб ҳар бир кўча, маҳаллада сумалак қайнатишяпти. Катта-кичик ҳашарга чиқиб, тозалаш ишларида қатнашмоқда. Яхши ният билан кўчат экиляпти. Ёш спортчилар байрамга бағишлаган чиқишларини намойиш қилишга киришдилар. Масалан, от спорти мактаби талаблари куни кеча ўтказилган беллашувда чавандозлик маҳоратларини намойиш этдилар. Бугун-эрта велопойгачилар Наманган-Уйчи-Учқўрғон йўналиши бўйлаб йўлга чиқадилар. Наманган шаҳри марказий кўчаларида эса 12 километрлик масофага югуриш марафони бўлиб ўтади. Енгил атлетика, кураш, футбол, волейбол, мерганлик баҳслари ҳам вилоят аҳлининг байрам кунлар нашъали ўтишига ҳисса қўшади.

Биз март ойида қатор хайрли ишларни мўлжаллаганмиз. Жумладан, болаларнинг «206-Меҳрибонлик», қарияларнинг «Нуроний» саховат уйларида концерт, мушоира ва кечалар уюштирамиз. Санъаткорларимиз ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилалар хонадонларига кириб бориб, улар кўнглига байрам кайфиятини бахш этадилар.

«Халқ сўзи» мухбири Кудратилла НАЖМИДДИНОВ ёзиб олди.

Қадим айём урф-одатлари

Қадимда Наврўз куни одамлар ҳаётингиз ширин бўлсин, ўзингиз доимо гулдай яшнаб юринг, деган яхши ният билан бир-бирларига шакар ва турли ширинликлар, гуллар тақдим этишган. Шунингдек, бир-бирларига сув сепишлари эса бу йил сув кўпайсин, ҳосил мўл бўлсин деган маънони англатган. Наврўз тонгида ким гапиришдан олдин уч қошиқ асал истеъмол қилиб, ортидан уч бўлак хушбўй мум еса, кўп касалликлардан фориғ бўлади деб ҳисоблаганлар.

***

Наврўзга тайёргарлик кўриш жараёнида буғдой ёки арпа донини ёғоч идишда ўстириб, уни дастурхоннинг ўртасига қўйиш расм бўлган. Байрам арафасида аждодларимиз етти хил дон (буғдой, арпа, нўхат, жўхори, гуруч, мош, ловия)дан ғўжа пишириб, қўни-қўшниларга тарқатганлар.

***

Беруний «Наврўз — оламнинг бошланиши» деса, Фирдавсий «Наврўз — байрамлар шоҳи» эканлигини айтади. Навоий «Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз» дея лутф қилади.

***

Берунийнинг «Осор ул-боқия» асарида Наврўз байрами сўғдийлар, хоразмийлар ва Бухоро аҳли орасида қай тарзда нишонлангани ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Бухоро зиндонидан озод бўлган Абусаид Аҳмад бин Муҳаммад Мансур Хоразмга қайтиб келгач, кабисанинг ҳисобга олинмаётганини мушоҳада этди. У мунажжимларни тўплаб, уларга тақвимни ислоҳ қилишларини буюрди. Бу «фарвардингон жашни» номи билан ҳам машҳур бўлиб, фарвардин кунига ишорадир (фарвардин ойининг 16-куни). Кун номи ой номи билан тўғри келган кун хоразмшоҳлар томонидан алоҳида нишонланиб, «Наврўзи хоразмшоҳий» деб аталган.

Г. ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

"Тошкент — ислом маданияти пойтахти"

"Тошкент ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси ҳамда "Жаҳон" ахборот агентлиги томонидан ўзбек, рус ва инглиз тилларида "Тошкент — ислом маданияти пойтахти" китоби чоп этилди.

Юртимиз азалдан инсоният тамаддуни, жумладан, ислом дини маданияти бешикларидан бири сифатида дунёга танилган. Буюк аждодларимизнинг илм-фан ва маданиятнинг кўплаб соҳалари ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини жаҳон аҳли эътироф этган. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида аждодларимиз қолдирган бой маданий меросни тиклаш ва янада ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Буюк аллома ва азиз-авлиёларимизнинг муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, уларнинг бой илмий-маданий меросини чуқур тадқиқ этиш борасида эришилган натижалар ўз самарасини бермоқда.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши ана шу улкан ишларнинг яна бир эътирофи бўлди.

"Тошкент — ислом маданияти пойтахти" китобида Президент Ислом Каримовнинг Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари чоп этилган.



Муайян шаҳарнинг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши мамлакатлар ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришга, ислом маданиятига оид илмий-маърифий, тарихий-меъморий меросни ўрганишга, тиклаш ва тарғиб қилишга, динлараро ва цивилизацияларо мулоқотни кучайтиришга хизмат қилади.

Тошкент шаҳрининг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбобларидан келган табриклар ҳам мазкур китобдан ўрин олган.

Улкан тарихий-маданий ва сиёсий аҳамиятга эга мазкур воқеа жаҳон ҳамжамияти томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Ушбу китобда дипломатик корпус вакиллари, хорижий мутахассис ва экспертларнинг фикр-мулоҳазаларига ҳам кенг ўрин берилган. Шунингдек, дунёнинг турли давлатларидаги етакчи ахборот агентликлари, газета ва журналлар ҳамда веб-саҳифаларда Тошкент шаҳрининг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан ёзилган мақола ва шарҳлар ҳам китобга киритилган.

(ЎзА).

Хўш, мамлакат ҳаётини, жамиятдаги ибратлар ва айрим иллатларни акс эттириши лозим бўлган киноижодкорларнинг бир йили қандай ўтди? Намойиш этилган фильмлардан халқимизнинг кўнгли тўлдими? Уларнинг саноғи ва салмоғи давр талаб қилган мезонларга муносибми?

Киночилар сарҳисоби

Куни кеча Ўзбекистон Киночилар уйида бўлиб ўтган анжуманда ана шу саволлар ўртага ташланди. Ўтган йили миллий киночилигимизда рўй берган ўзгаришлар, эришилган ютуқлар билан бир қаторда фойдаланилмаган имкониятлар муҳокама қилинди.

Анжуманни "Ўзбеккино" миллий агентлиги бош директори Аъзам Исҳоқов очиб, агентликнинг 2006 йилдаги фаолияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтди. Жумладан, мамлакатимизда санъатга қаратилаётган эътибор кино соҳасида ҳам катта ўзгаришлар ясаётгани, ўтган йили эришилган натижалар бунинг бир далили эканини қайд этди.

Сўнгра давра суҳбатида кинотанқидчилар, режиссёрлар ва журналистлар ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Айниқса, санъатшунос олим Жўра Тешабоевнинг фикрлари қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. У ўтган йили катта экранларга чиққан "Гўзаллик сири", "Осмон яқин", "Катта ойи" фильмларининг айрим эпизодларида ҳаётий мантиқ ва режиссёрлик маҳорати етишмаганига эътибор қаратди. Шу билан бирга "Бегоналар", "Чашма", "Робия" каби асарлар мавзунинг долзарблиги ва ёритилиши билан ўзбек киночилигида янгилик бўлганини таъкидлади.

Ёдингизда бўлса, ўтган йили мустақиллигимизнинг 15 йиллиги муносабати билан бадиий фильмлар сценарийлари танлови ташкил этилган эди. Танловга тақдим этилган асарлар яқинда тажрибали киноижодкорлар ва ёзувчилардан иборат ҳайъат комиссияси томонидан ўрганиб чиқилган. Анжуман сўнгида ана шу танлов якунлари ҳам эълон қилинди.

Ёзувчи Эркин Аъзамнинг "Сув ёқалаб" номли сценарийси танлов ғолиби деб топилди ва пул мукофоти билан тақдирланди. Иккинчи ўрин режиссёр Ёлқин Тўйчиевнинг "Ўтов" асарига насиб этган бўлса, учинчи ўринга драматург Ғафур Шермуҳаммаднинг "Самантой" киноқиссаси лойиқ деб топилди.

Анвар САМАДОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Сифатли таъминот — ҳосилдорлик гарови

Маълумки, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл-кўл ҳосил олишда таъминотчи корхоналар ҳам муҳим роль ўйнайди. Сабаби, ғўза ёки ғалла ниҳоллари айтайлик, минерал ўғит талаб қилиб турсаю, у фермер омборида бўлмаса, олинажак ҳосил бой берилиши мумкин.

Бу борада Қашқадарё вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамиятининг Нишон тумани филиали жамоаси томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар эътиборга молик. Хусусан, жамоа аҳли 2160 та фермер хўжалигида парваришланаётган ғаллани озиқлантириш учун етарли миқдорда минерал ўғит етказиб берди. Айтиш жоизки, тиғиз паллада корхона ишчиси Отабек Хўжақулов ҳамкасблари билан кунига 380-400 тонна ўғит юклаб, деҳқонлар раҳматини олди.

СУРАТДА: ишчи Отабек Хўжақулов.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Энг иқтидорли ёш истеъмолчи

Пойтахтимизда Халқаро истеъмолчилар куни муносабати билан "Энг иқтидорли ёш истеъмолчи-2007" республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда юртимиздаги барча академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида уюштирилган шундай кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этган 28 нафар ўқувчи ўзаро беллашди.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши ҳамда "Ўзстандарт" агентлигининг республика Синов ва сертификатлаштириш маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Танлов

Таъкидландики, республикамизда истеъмолчининг ҳақ-ҳуқуқи "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун билан ҳимояланган. Бироқ ана шу ҳужжат қанчалик аниқ ва мукаммал ишланган бўлмасин, кундалик турмуш тарзимизда ундан фойдалана билмасак, кўзланган натижага эришиш қийин. Шу боис аҳоли, айниқса, ёшларнинг бу борадаги ҳуқуқий маданиятини оширишда тарғибот ва ташвиқот ишлари муҳим ўрин тутади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, 2003-2004 ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларида истеъмолчилар ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатларини ўқитиш бўйича махсус курслар ташкил этилиб, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги оширилмоқда. Бундан ташқари, анъанага айланиб бораётган "Энг иқтидорли ёш истеъмолчи" кўрик-танлови ҳам ўқувчиларнинг ушбу йўналишдаги билимларини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Мисол учун, жорий йилги танловда республикамизнинг 1056 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидан бир миллиондан зиёд ёш истеъмолчи иштирок этди.

Якуний босқичда эса Чилонзор туманидаги 2-юридик коллежи ўқувчиси Хуршида Зуфарова «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи» деб топилиб, у компьютер билан мукофотланди. Бошқа иштирокчилар ҳам ҳомийлар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғаларга сазовор бўлишди.

Ш. ОРТИҚОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Янги замон одамлари

1957 йили Тошкентдан Тўйтепага кўчиб келган Алибой ака 7-синфни битирган ўғли Тешабойни тракторчилар курсига ўқишга берди. Айтган гапи шу бўлди:
— Ўғлим, ҳозирги замонда энг яхши ҳунар тракторчилик, ер билан ишлайсан. Ер эса ишлаган одамнинг етти авлодини боқади.

УШАЛГАН АРМОН



Тракторчилик курсини битирган Тешабой Ўрта Чирчиқ туманидаги собиқ «Янги тўлқин» колхозига ишга келди. Аввал шогирд, сўнг эса мустақил ишлай бошлади. Икки йил деганда бу касбни тўла ўзлаштириб, кузда пахта териш машинасида илғорлар сафига чиқиб олди. Ота хурсанд, ўғил ишнинг ҳадисини олиб, даладан бери келмайди. Соғинса ўзи бориб кўриб келади, бағрига босиб, ернинг ҳидидан сархуш бўлади.

Иш ҳақига бир халта буғдой кўтариб келганда «топган-тутганингга худо барака берсин, момо ернинг ўзи сени қўлласин» деб дуо қилди.

Фалокат оёқ остида дейдилар. Пахта териш мавсуми эди. Бункердаги пахтани тўкиб, шпинделларни юваётганида устига бункернинг бир қаноти тушиб кетди. Касалхонада узоқ ётди. Хулоса шу бўлдики, дала ишларига яроқсиз деб топилди.

Ота жони омон қолган ўғлини енгилроқ иш деб бир дўкончига шогирдликка берди. Иқтисодчи деган мутахассисликка эга бўлди. Ҳаёт бирда ундай, бирда бундай деганларидек ўтаверди... Ҳар замон-ҳар замон далаларни қўмсаб қолади, тракторчилик қилган кунларини эслаб, кўнглида бир армон туйиб қўяди.

Мустақиллик йилларида аста-секин фермерлар сафи кўпайиб борган сайин, Тешабой аканинг қалб тубидаги орзуси чўғланаверди. Анча пайтгача иккиланиб юрди, ер олсаммикан, олмасаммикан... Охири 1998 йили ариза кўтариб хўжаликка борди, дарров орқага қайтаришди. 2000 йилда яна борди, «мутахассислигингиз тўғри келмайди» дейишди. Кўнглига сабр дарахтини эккан бу одам 2002 йилнинг охирида яна ер сўраб ариза берди. Бу даврда хўжалик анча ўтириб қолган, ерларнинг аҳволи ёмонлашган пайт эди. Комиссия ҳужжатларни кўриб чиқиб ажриқ босган, мелиоратив ҳолати ёмон, 60 гектар захкаш майдонни ажратиб берди. «Олсангиз шу, олмасангиз ўзингиз биласиз...»

Тешабой ака эртаси куни далага келиб, қадамбақадам ҳамма жойни айланиб чиқди. «Қўлимдан келади, худо хоҳласа, отамнинг армони ушалади», деб ишни бошлаб юборди. Биринчи йилиёқ пахтадан 32 центнердан ҳосил олди. Ваҳоланки, бир йил аввал шу далада ҳосилдорлик атиги 6-7 центнерни ташкил этарди.

2006 йилда эса умри тугаган ширкат хўжалигидан яна 83 гектар ер қўшиб олди. Биринчи ер ажратишганда «қўлингиздан нима келарди» деб кулганлар бу сафар «эплайсиз, сиз эпламасангиз ким эплайди» деб елкасига қоқиб ҳам қўйишди. Ҳаёт қизиқ-да. Хуллас, ўтган йили 143,7 гектар ерда деҳқончилик қилди. 187 тонна ўрнига 240 тонна пахта топширди, буғдойдан салкам 50 центнердан ҳосил олди. Фермер хўжалигининг ўтган йилги соф фойдаси 70 миллион сўмни ташкил этди. «Мирзакаримов Тешабой ота» фермер хўжалиги тилга тушди.

Мен фермер хўжалиги раҳбари билан суҳбатда «ҳамма қатори фермер экансиз» дедим. У одам маънодор қараб, «бошқаларга ўхшамайдиган томонларим кўп» деб қолди. Суриштирсам, сўзларида жон бор. Масалан, фермер хўжалигида 13 та техника бор, чопиқ ва ҳайдов тракторлари ёнида бульдозер ва экскаватор ҳам турибди. Мен унга «бу техникаларни йил давомида ушлаб туришдан нима наф, қанча маблағга қуйиб» дедим. «Нега энди, ҳозирнинг ўзида ўнга яқин фермер билан шартнома қилаяпман, бекор турмайди, пул ишлаб келади» деб жавоб берди. Маъқул гап.

Фермер хўжалигига қарашли 2 та тегирмон, 2 та дорихона, битта нон цехи бор. Нон цехида ҳар куни 500 та нон ёпилиб, унинг 200 таси ҳар куни ишчиларга тарқатилади, қолгани дўконда сотилади. Дала шийпони ёнида кичик ферма мавжуд. Унда 4 бош сигир, 16 бош буқа, 2 та от ва 50 та қўй «пишириб» ётибди. Сотса пул, сўйса гўшт.

Бу йил эса фермер хўжалигининг кўрган фойдаси ҳисобига соғломлаштириш маркази ҳам қурилди, эртаиндин ишга тушади. У ерда 40 та шифокорга иш бор. Физиотерапия, муолажа ва бошқа даволаш хоналари замонавий тиббиёт асбобускуналари билан таъминланган.

— Фермер хўжалигингизда ишлаётган ишчилар маоши қанча? — деб қизиқиб сўрадим ундан.

— Механизаторларимиз ойига 150 мингдан кам олмайди, ишчилар эса 80-100 минг атрофида. Шунинг учун ҳам кейинги уч йил давомида фермер хўжалигидан биронта аъзо кетиб қолгани йўқ. Ҳаммасининг оиласидан хабардор бўлиб, камикўстини қилиб бераман. Икки нафар йигитни фермер хўжалигининг фойдаси ҳисобига тўй қилиб уйлантириб қўйдим, неваралар бор, — деб кулиб жавоб берди Тешабой ака. — Бундан ташқари, бир оилага соғин сигир олиб бердик. Ҳудудимиздаги 31-мактабга 50 та стул, 250 минг сўмлик спорт анжомлари совға қилдик. 25-мактабга эса 400 минг сўм ажратдик. Хуллас, ука, меҳнат қилиб топганимизни элники деб ҳисоблашга ўрганганмиз. Эл қўллаб турса, биз ҳам кам бўлмаймиз.

«Мирзакаримов Тешабой ота» фермер хўжалигида шу кунларда ҳам иш қизғин.

Тешабой ака билан дала айланар эканмиз, у ер ҳақида менга худди уста деҳқондай талай гапларни айтади. Масалан «ерни алдамаслик керак, ер тоза бўлсин, тупроқни пириш керак, гўнгда гап кўп, қўл учида кетмон урмаслик керак, пахтада ишлаётганларни норози қилиш керак эмас, оқ нарсани алдаса доғ тушади» деган гаплар.

Мен унга:

— Бу гапларни қаердан ўргандингиз, худди агрономлардай гапираяпсиз? — дедим.

— Тракторчи бўлиб ишлаган пайтимда ёш ўспирин йигит эдим. Бу гапларни ўша даврнинг одамларидан эшитганман, ўз ҳаётимда эса синаб кўрдим.

Мустақиллик шарофати билан очилмаган булоқлар кўзи очилди, имкониятлар эшигидан тадбиркор-у фермерлар кириб келмоқда. Улар шу юрт учун, шу келажак авлод учун қайғурадиган инсонлардир. Тешабой Мирзакаримов ҳам шу сафда борлигидан бахтиёр!

Ҳамид НОРҚУЛОВ.

Инсон азиз...

Инсон организмида темир моддаси танқислиги туфайли камқонлик касаллиги келиб чиқади. Болаларда, айниқса, ҳомиладор аёлларда бундай касаллик тез-тез учрамоқда. Бугунги кунда Унни бойитиш бўйича миллий дастур амалга оширилаётгани саломатлигимизнинг мустаҳкамланишига туртки бўлмоқда.

Ўзбекистон минтақада биринчиларидан бўлиб ушбу дастурни амалга ошириш учун Озиқланишни яхшилаш бўйича глобал альянс томонидан ажратилган 2,8 миллион доллар миқдоридаги грантга эга бўлди. Ҳозирда ушбу маблағ асосида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» АЖ, ЮНИСЕФ ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда дастур муваффақият билан амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатимиздаги ун ишлаб чиқарувчи 14 корхонада унни витамин ва минерал моддалар билан бойитадиган махсус мосламалар ўрнатилди.

Бундан ташқари, мазкур дастур доирасида аҳолига кенг тушунтириш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида Унни бойитиш бўйича миллий мукофот танлови таъсис этилди. Ўтган ҳафта иккинчи бор ўтказилаётган танлов якунланди. Пойтахтимиздаги «Дедеман Силк Роуд» меҳмонхонасида танловда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган фаол журналистларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Қувонарлиси, улар орасида газетамиз бўлим муҳаррири Беккул Эгамқулов ҳам бор. Б. Эгамқуловнинг йил давомидаги журналистик чиқишлари танлов ҳайъати томонидан совринли ўринлардан бирига муносиб, деб топилди.

Маросимда таъкидланишича, танловга иштирок этишни хоҳловчи журналистлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу йилги танловга марказий ва маҳаллий ОАВ вакилларидан 280 та иш тақдим этилди.

Тантанали маросим сўнгида ушбу миллий даётур доирасида жорий йилда ҳам журналистлар ўртасида танловнинг давом этиши маълум қилинди.

Юнус БЎРОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

ДАТ «Асака» банки жамоаси

сизларни яқинлашиб келаётган **Наврўз байрами** билан табриклайди ва даромадларингизни кўпайтириш учун сизларга қуйидаги янги омонат турларини тақдим қилади:

- Миллий валютада ***«СОҒЛОМ КЕЛАЖАК»*** омонати, сақланиш муддати — ***1 йил, йиллик 18%.*** Омонатнинг бошланғич бадали — ***1 млн. сўм.*** Ҳисобланган фоизлар мижознинг истагига кўра омонат очилганида берилиши мумкин, шунингдек, омонатчиларга «Асака» банкининг сўм пластик карточкалари имтиёз тариқасида берилади.
- Хорижий валютада ***6 ойлик омонат, йиллик 8%.*** Омонатнинг минимал суммаси — ***2000 АҚШ доллари.*** Ҳисобланган фоизлар мижознинг истагига кўра омонат очилганида берилиши мумкин, шунингдек, омонатчиларга банк томонидан халқаро «Master Card» пластик карточкалари имтиёз тариқасида берилади.

Бундан ташқари, ДАТ «Асака» банки қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада	
6 ойдан 1 йилгача	*Йилига 17%*
1 йилдан 3 йилгача	*Йилига 17%*
3 йилдан 5 йилгача	*Йилига 17%*
«Олтин куз» омонати *(сақланиш муддати — 3 ой)*	*Йилига 18%*
«Юбилейный» омонати *(сақланиш муддати — 6 ой)*	*Йилига 18%*
«Табассум» омонати *(сақланиш муддати — 45 кун)*	*Йилига 18%*
«Саховат» омонати *(сақланиш муддати — 1 йил)*	*Йилига 18%*
Болалар учун «Умид» омонати *(сақланиш муддати — 3 ой)*	*Йилига 18%*
Хорижий валютада	
6 ойдан 1 йилгача - 1000 — 2000 АҚШ долларигача - 2000 ва ундан юқори АҚШ долларигача	 *Йилига 6%* *Йилига 7%*

Омонатларни банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.
Банкдаги омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади ва «Банк сири» қонуни билан муҳофазаланади.

Мурожаат учун телефонлар: 120-86-97, 120-82-02, 120-82-60, 120-86-87.

Хизматлар лицензияланган

IPOTEKA BANK

Наврўзи олам муборак, азиз юртдошлар!

Сизларни яқинлашиб келаётган шодиёна — Наврўз байрами билан самимий табриклаймиз. Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик, қувонч, баҳорий кайфият, Ватанимиз равнақи, юрт тинчлиги ва эл фаровонлиги йўлида амалга ошираётган ишларингизда ривож тилаймиз.

IPOTEKA BANK

хизматлар лицензияланган

Ўзбекистоннинг серунум ерларига баҳор, у билан бирга табиатнинг уйғониш ва янгиланиш айёми, тинчлик, ҳамжиҳатлик, эзгулик ва раҳм-шафқат тимсоли сифатида НАВРЎЗ умумхалқ байрами кириб келди. Биз ўзимизнинг бахтли ва фаровон ҳаётга бўлган умидларимиз, ёрқин ниятларимиз ва орзуларимизнинг рўёбга чиқишини НАВРЎЗ билан боғлаймиз.

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНЛИ
НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИНИНГ
КЎП МИНГЛИ ВА КЎП МИЛЛАТЛИ ЖАМОАСИ

серқуёш Ўзбекистон аҳли ва меҳмонларини НАВРЎЗ байрами билан қутлайди!

У билан бирга ҳар биримизнинг хонадонимизга хотиржамлик, тўкин-сочинлик, шоду хуррамлик ва меҳр-муҳаббат кириб келсин.
Ва ажойиб замонда ҳамда гўзал, гуллаб-яшнаётган мамлакатда яшаётганлигимиз ва меҳнат қилаётганимиздан фахрланиш ҳиссиёти бизни ҳеч қачон тарк этмасин.

3878/472

AVTODOM PLUS

«ГАЗ» русумли автомобилларнинг Ўзбекистондаги эксклюзив дистрибьютори

барча Ўзбекистон халқини ажойиб баҳор байрами — НАВРЎЗ билан муборакбод этади!

Ҳар бир оилага тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат, фаровонлик ва йил давомида хуш кайфият тарк этмаслигини тилайди. Наврўз ҳар бир хонадонга қувонч, фаровонлик ва тўкин-сочинлик олиб келсин.

3778/252

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ОАЖ жамоаси

халқимизни уйғониш ва янгиланиш фаслининг энг гўзал байрами — Наврўзи олам билан самимий қутлайди!

Наврўз ҳар бир хонадонга қувонч ва шодлик, файз-барака, тўкин-сочинлик олиб кирсин.
Наврўз шодиёнаси қалбларимизни доимо мунаввар этсин.

3798/482

«ALSKOM»

ALSKOM

Ўзбекистон-Россия қўшма суғурта компанияси жамоаси

юртимиз аҳли, меҳмонлари ва ўз мижозларини янгиланиш, яшариш, эзгулик байрами – НАВРЎЗ АЙЁМИ билан самимий муборакбод этади!

Барча хонадонларга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат, қут-барака тилайди!

Айёмингиз муборак, азиз юртдошлар!

"Ипак Йўли" банки

BANK IPAK YO'LI

Янгиланиш ва уйғониш байрами бўлмиш НАВРЎЗИ ОЛАМ муборак бўлсин!

Сизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик ва ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз!

БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН СИЗГА ҚУЙИДАГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ:

Номи	Муддати	Йиллик фоиз ставкаси
«Сармоя»	3 ой	18%
«Ҳумо»	1 ой 1 йил	16% 17%

ЭНГ КАМ ҚЎЙИЛМА МИҚДОРИ – 100.000 СЎМ. ФОИЗЛАР ҲАР ОЙДА БЕРИБ БОРИЛАДИ.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан суғурталаниш орқали кафолатланади.

Хизматлар лицензияланган.

Телефонлар: 120-00-09, 116-19-91.

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

ўз акциядорлари, мижозлари ва барча юртдошларимизни Навруз айёми билан қутлайди!

Кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар диққатига!

MIKROKREDITBANK

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки сизнинг бошланғич сармоянгизни шакллантиришга йиллик 5 фоиз ставка билан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 — 200 бараваригача миқдорда микросармоялар ажратади.

Шунингдек, микрофирмангиз, кичик корхонангиз ёки фермер хўжалигингизни кенгайтириш учун айланма маблағларни тўлдиришга (Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкаси бўйича) энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваригача миқдорда микрокредитлар беради.

Корхонангиз учун жиҳоз ва техника воситалари зарурати сезилаётган бўлса, «Микрокредитбанк» (Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган ставка бўйича) энг кам иш ҳақининг 2000 бараваригача миқдорда имтиёзли микролизинг хизматлари кўрсатади.

Мурожаат учун телефонлар: 173-04-40, 173-28-11, 173-15-81.

«Микрокредитбанк» пластик карточкаларидан фойдаланинг!

Электрон ҳамён ҳисобланадиган «Микрокредитбанк»нинг пластик карточкалари ғоят қулай ва ишончли тўлов воситаси ҳисобланиб, улар орқали сиз республикамизнинг барча савдо шохобчаларида ўрнатилган терминаллар билан тўловларни амалга оширишингиз мумкин.

Мазкур карточкалар нафақат тўлов воситаси, балки жамғармангизни кўпайтирадиган омил ҳамдир. Банк пластик карточкалари орқали фаолият кўрсатадиган янги «Хазина-карт» омонат турига қўйилган маблағлар сизга доимий равишда йиллик 20 фоиз даромад келтиради.

«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

«Микрокредитбанк» АТБ тизимида жисмоний шахслар учун амалда бўлган миллий валютадаги омонат турлари

№	Омонат (депозит) номи	Муддати	Йиллик фоиз ставкаси	Бошланғич бадал	Изоҳ
1.	Талаб қилиб олингунча	Чекланмаган	6%	чекланмаган	Маблағлар нақд ва нақд пулсиз қабул қилинади ҳамда омонатчининг биринчи талабидаёқ берилади.
2.	«Орзу»	3 ой	18%	50 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар муддати тугагандан кейин берилади.
3.	«Тадбиркор»	6 ой	18%	25 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар олдиндан тўланади.
4.	«Нуроний»	1 йил	18%	чекланмаган	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар муддати тугагандан кейин берилади.
5.	«Сиҳат-саломатлик»	1 йил	18%	1 000 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар ҳар чоракда тўланади.
6.	«Тежамкор-коммуналчи»	2 йил	18%	чекланмаган	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда фақатгина коммунал тўловларга ўтказиб берилади.
7.	«Истеъмол» жамғармаси		банк маржаси 6%	150 000 сўм	Мазкур жамғармага маблағ қўйган шахсга 1,5 ойдан сўнг қўйилган маблағининг уч баравари миқдорида истеъмол кредити ажратилади. «Истеъмол» омонат тури бўйича ҳисобланган фоизлар истеъмол кредитига ҳисобланган фоизларни сўндириш мақсадида ҳар ойда ўтказиб борилади.
8.	«Она юрт»	3 ой	18%	150 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Омонатчининг хоҳишига кўра, фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
9.	«Ҳомий»	4 ой	18%	200 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Омонатчининг хоҳишига кўра, фоизлар ҳар ойда омонатчига тўлаб борилади.
10.	«Шифокор»	5 ой	18%	200 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар муддати тугагандан кейин берилади.
11.	«Мучал тўйи»	3 ой	18%	200 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Фоиз тўловлари омонатчининг мучал ойида тўланади.
12.	«Омад»	4 ой	18%	150 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Омонатчининг хоҳишига кўра, фоизлар ҳар ойда омонатчига тўлаб борилади.
13.	«Эгасининг номи кўрсатилмаган»	чекланмаган	18%	100 000 сўм	Фоизлар омонатчига маблағ қўйилган куни аванс тариқасида, лекин 1 ойдан ошмаган муддат учун берилади.
14.	«Муддатли-мақсадли»	1 йил	18%	чекланмаган	Омонат бўйича фоиз тўловлари ойма-ой ҳисобланиб, истеъмол кредити ва унга ҳисобланган фоиз тўловини ёпиш учун йўналтирилади

Хизматлар лицензияланган.

Ҳурматли ишбилармон жаноблар!

«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ реклама бюроси

сизларга вокзаллар ва йўловчи поездлар вагонларида реклама кампаниянгизни ўтказишни таклиф этади.

«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖнинг йўловчи транспортлари хизматидан бир кунда ҳар хил ёшдаги ва турли касб эгалари бўлган 43 000 га яқин Ўзбекистон фуқаролари ва республикамиз меҳмонлари фойдаланади.

2006 йил давомида жами 16060,3 минг йўловчи ташишга эришилди.

Темир йўл транспортида реклама жойлаштириб, сиз бутун Ўзбекистон ҳудудини, шунингдек, Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Украина шаҳарларини қамраб олиш ҳамда ўз маҳсулотингиз ёки кўрсатадиган хизматингиз ҳақида мижозларингизга маълумот бериш имкониятига эга бўласиз.

Тошкент шаҳрининг «Шимолий» вокзалида реклама роликларингизни намойиш этиш учун катта экран мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг темир йўл транспортидаги реклама — бу маҳсулот ва хизматлар бозорида мақсадга эришиш учун тўғри танланган йўл.

Темир йўл транспортидаги реклама нима учун самара беради?

1. Темир йўл поездларида саёҳат қилаётганда кўп сонли йўловчилар ёрқин ва ранг-баранг реклама мурожаатларини ўқиб, ихтиёрий равишда уларни эслаб қоладилар.
2. Поездлар реклама қилинаётган маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш шохобчалари орқали ўтадиган йўналишларга эга бўлгани учун рекламанинг бошқа турларидан тубдан фарқ қилади.
3. Рекламангиз Ўзбекистоннинг деярли барча йирик шаҳарларини қамраб олади.
4. Йўловчи поездидаги рекламани «ўчириб қўйиб», «овозини паст қилиб» ёки «токчага олиб қўйиб» бўлмайди.
5. Темир йўл транспортидаги реклама рекламанинг бошқа турлари (телевидение, радио, матбуот, билборд ва ҳоказолар) билан уйғунлашган бўлиб, кенг кўламдаги реклама кампаниясининг ажралмас қисмидир.

Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
136-46-18, 199-71-66. Тел./факс: 199-71-83.

Хизматлар лицензияланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ

ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Давлат тест марказида эксперт комиссияларининг йиғилиши ва махсус синовлар (эксперт комиссиялар қарори бўйича) 2007 йил биринчи ярмида қуйидаги кунларда ўтказилади:

Т/р	Эксперт комиссиялари	Ўтказиладиган вақти	Рўйхатга олиш муддатлари
1.	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот	19, 20 апрель соат 9.00	10, 12, 17 апрель
2.	Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фанлари	10, 11 май соат 9.00	1, 3, 8 май
3.	Иқтисодиёт	17, 18 май соат 9.00	8, 10, 15 май
4.	Ҳуқуқшунослик	24, 25 май соат 9.00	15, 17, 22 май
5.	Қишлоқ хўжалиги, муҳандис, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари	14, 15 июнь соат 9.00	5, 7, 12 июнь

Давлат тест марказига дипломларини нострификациялаш учун топширган фуқаролар жадвалда кўрсатилган муддатларда ДТМ (Тошкент шаҳри, Ж.Обидова кўчаси, 12-уй)да рўйхатдан ўтишлари шарт.

Фотосурат топширмаганлар ўзи билан иккита фотосурат (3x4) олиб келишлари керак.

Қабул соатлари: сешанба кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача, пайшанба кунлари соат 15.00 дан 17.00 гача. Тушлик вақти 13.00 дан 14.00 гача. Телефон: 134-46-83. Интернетдаги веб-сайт: test.uz

Ҳужжатларини топшириб, кўрсатилган муддатларда рўйхатдан ўтмаган диплом эгалари махсус синовларга қўйилмайди.

Махсус синовлардан муваффақиятли ўта олмаганлар қайта топшириш ҳуқуқига эгадирлар (қайта синовга ҳар бир тур бўйича бир марта, махсус синов ўтган кундан бошлаб бир йилдан кейин уч йил давомида рухсат берилади). Нострификацияга топширилган ҳужжатларнинг экспертиза натижалари ижобий бўлса ҳамда ҳужжат эгаси белгиланган барча махсус синовлардан муваффақиятли ўтса, у эквивалентлигини қайд этиш ҳақидаги гувоҳномани олиш ҳуқуқига эгадир.

ХОРИЖИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИЁТГАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ҳозирги кунда хорижий давлатларда фуқароларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (2003 йилдан кейин ўқишга кирганлар учун) ҳамда экстернат шаклида ва масофавий ўқиш орқали **олган таълим тўғрисидаги ҳужжатлари нострификация қилинмайди.**

Азиз ҳамюртлар!

HAMKORBANK

«ҲАМКОРБАНК»

сизларни баҳорнинг янгиланиш айёми —

Наврўз байрами

билан муборакбод этади

ва сиз азизларга

«БАРҚАРОР»

номли омонатни таклиф этади.

- **Омонатга йиллик 22% даромад тўланади.**
- **Энг кам бадал — 100 минг сўм, сақланиш муддати — 3 ой.**
- **Омонат фоизларини ҳар ойда олишингиз мумкин.**

Ушбу омонат Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

Омонат қабул қилиш муддати — 2007 йилнинг 19 мартидан 10 апрелига қадар давом этади.
Омонатингиз тўғрисидаги маълумот сир сақланиши банк томонидан кафолатланади.

Маълумот учун «Ҳамкорбанк»нинг филиалларига ёки бош банкдаги (8-374) 224-70-91, 224-74-18 телефонлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган. Лицензия №64.

Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ

2007 йил 19 мартдан 19 апрелгача

АВТОМОБИЛЬ ШИНАЛАРИ ВА АККУМУЛЯТОР БАТАРЕЯЛАРИНИ

харид қилиш бўйича тендер эълон қилади.

Тендер ҳужжатларини олиш учун 50 000 сўмни Тошкент шаҳри, «Ипак йўли» инновация-тижорат банкининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш лозим: 20210000903962263002, МФО 00444, ИНН 202692074, ОКОНХ 80100.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2007 йил 19 апрель соат 13.00 гача.

Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 169-88-94, 169-88-02.



Ҳурматли ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, боғ соҳиблари, тадбиркорлар диққатига!

«ОКСИГУМАТ»

ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирувчи, озиқланишини, касалликларга қарши ҳимояланишини бошқарувчи — стимулятор.

Янгилик!

Янги, юқори самарали, бетакрор хусусиятли препарат. «Оксигумат» биологик фаол препарат сифатида қишлоқ хўжалигида уруғларнинг унумдорлигини ошириб, кўчатларнинг илдиз отиши ва яхши тутиб кетишини таъминлайди.

- ҳосилдорликни оширади,
- махсулотларнинг сифатини яхшилайди,
- тупроқ таркибидаги микроорганизмларнинг ҳаёт фаолиятини ривожлантиради,
- мавсумий ўзгаришлар суръатини ва пишишини тезлаштиради (10-20 кунга),
- касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилиятини кучайтиради,
- минерал озиқланишини мақбуллаштиради,
- тупроқнинг аллелопатик зўриқишини камайтиради.

«ОКСИГУМАТ» — қўшимча ҳосилни таъминлайди.

Бодринг	— 30 - 40 %
Буғдой	— 35 - 40 %
Гуллар	— 13 - 25 %
Дуккакли экинлар	— 60 - 80 %
Картошка	— 40 - 50 %
Кунгабоқар	— 50 - 70 %
Лавлаги	— 35 - 40 %
Маккажўхори	— 40 - 60 %
Пахта	— 50 - 70 %
Пиёз	— 30 - 40 %
Полиз экинлари	— 50 - 60 %
Помидор	— 25 - 30 %
Сули	— 20 - 40 %
Шоли	— 70-90 %

Экологик зарарсиз. Давлат кимё комиссияси томонидан Ўзбекистонда ишлатиш учун рухсат этилган. ГУВОҲНОМА № А 947.

Тел.: 135-87-05, 449-30-84, 135-53-15 (кечкурун), 330-13-44.

ТАШКИЛОТ

ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ҚУЙИДАГИ КЎЧАТЛАРНИ СОТАДИ:

ИГНА БАРГЛИ:
можжевельник, эльдор қарағайи, қрим қарағайи, тяньшань ели.



МАНЗАРАЛИ КЎЧАТЛАР:
дуб, каштан, ясень, клён, мажнунтол, тут, терак, қайин.

МЕВАЛИ КЎЧАТЛАР.

Сотиш баҳоси — келишилган нархда.

Кўчатлар кўпроқ миқдорда олинганда ташкилот ўз автотранспортида жойига етказиб беради ва кўчатни экишда амалий ёрдам кўрсатади.

Телефонлар: 192-97-62, 192-99-06.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

«САНИПЛАСТ» Ўзбекистон–Исроил қўшма корхонаси

Saniplast

Томчилаб суғориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган Ўзбекистондаги ягона корхона.

Пахтазор, токзор, боғ, сабзавот ва иссиқхоналарнинг томчилаб суғориш тизимларини лойиҳалайди, материалларни етказиб беради ва монтаж ишларини бажаради.

Сервис хизмати кўрсатиб, эҳтиёт қисмларни етказади. Мутахассисларимиз экинларни суғориш ва ўғитлашда маслаҳатлар беради.

Буюртма қилсангиз, хизмат сифатига кафолат берамиз.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700187, Тошкент ш., «Корасув-4» мавзеси, 11-уй. Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.

Российский линолеум

Обои виниловые

Форма оплаты — любая
Товар сертифицирован

тел. 134-48-11
303-38-77
факс 134-49-58

Умид юлдузлари

Бир қиз билан танишдим. Соҳибжамол, иболи, андишали бу қизнинг ийманибгина бош эгиб туриши бир томон-у, кўзларидаги ғурур, ўзига ишонч аломатлари бир томон бўлиб мафтун этади, сизни. Феруза исмли бу қиз Тошкент агротижорат коллежида таҳсил олиш баробарида от спорти билан мунтазам шуғулланар экан. Гапнинг рости, аввалига қиз бола учун от билан тиллашиш қийин-ов, деб ўйладим ва унга дилимдаги гапни айтдим.

Чавандоз Феруза

— Нега энди, буви-ю момоларимиздан эшитиб катта бўлганимиз — Барчиной, Тўмарис, Кумушдай қурлиқолар ҳам от минишдан асло қўрқмаган, — дейди Феруза эътироз билдириб. — Тўғри, отдан йиқилган, жароҳат олган пайтларим бўлган. Аммо ўшандаям қаерда хатога йўл қўйганим ҳақида ўйлайман ва ўзимга керакли хулоса чиқараман. Қўрқув мени енголмайди. Чунки энг катта орзуим — от спорти бўйича жаҳон олимпиадасида қатнашиб, мутлақ ғолиб бўлиш.

Бундай орзулардан сўз очилгач, биз Феруза Абдуллаева машғулотларга қатнайдиган Республика от спорти олий маҳорат мактаби томон йўл олдик.

— Спортнинг бу тури билан шуғулланиш энг аввало, мушаклар фаолиятини яхшилаб, қоматнинг расо бўлишини таъминлайди, — дейди мактаб шифокори Раъно Турсунова. — Шунингдек, умуртқа поғонасининг қийшайиши, болалар мия фалажи, Даун касаллиги, юрак қон-томир касалликлари, жумладан, инфаркт миокарди, хафақоннинг бошланғич даврида ва қандли диабет хасталикларида от билан машғулот бажариш яхши натижа беради. От спорти билан машғулотлар олиб бориш болалар руҳий ҳолатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Болалар от спорти билан шуғулланиш учун 10-12 ёшдан мактабга қабул қилинади. Тажрибали мураббийлар қўлида от юргизиш кўлланмалари обдон ўрганилгач, мустақил шуғулланишга рухсат берилади. Қобилиятли ўқувчи бир йил ичида мураккаб машқларни бажара олиш даражасига етади. Спортчи отларни бўйсундириш эса бироз қийин кечади. Отлар 4-5 ёшдан 15-16 ёшгача яхши натижалар кўрсата олади. Албатта, уларни танлай билишнинг аҳамияти катта. Чунки баъзан уч йил давомида алоҳида шуғулланилган отлар билан бирор-бир натижага эриша олмаслик ҳам мумкин. Дарвоқе, аслида мураббий спортчи отлар билан тўрт йил шуғулланади.

Республика от спорти олий маҳорат мактаби вилоятлардаги спорт мактабларидан етишиб чиққан ва терма жамоа таркибига қабул қилинган чавандозларни халқаро мусобақаларга тайёрлайди. Мактаб мураббийларининг саъй-ҳаракатлари билан ўтган йили республикамиз терма жамоаси Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган Осиё мамлакатлари спортчилари орасида ғолибликни қўлга киритди.

Бу ерда шу кунгача жаҳон кубогининг саралаш босқичларида иштирок этиб, ғолиб бўлган бир нечта моҳир спортчилар тарбияланди. Улардан Ғайрат Назаров (халқаро тоифадаги спорт устаси, 8 марта жаҳон кубоги саралаш босқичлари ғолиби ва уч бора жаҳон кубогининг финал мусобақалари иштирокчиси), Азиз Содиқов (халқаро тоифадаги спорт устаси, республика ва жаҳон кубоги саралаш босқичларининг бир неча бор ғолиби), Нуржон Туякбоев (спорт устаси, юртимиз от спорти терма жамоасининг аъзоси), Мирзоҳид Мусаев (ёш, иқтидорли спортчи, терма жамоа аъзоси) каби спортчилар бугун мураббий сифатида ҳам ўз маҳоратларини намоён этмоқдалар.



Мактаб раҳбарияти, айниқса Ғайрат Назаровга катта умид боғлаган. Ғайрат келгуси 2008 йилнинг апрель ойида жаҳон кубоги саралаш босқичларида ғолибликни қўлга киритиб, Европа мамлакатларидан бирида бўлиб ўтадиган финал мусобақаларда иштирок этса, жаҳон олимпиадасига йўлланмани қўлга киритади.

... Отнинг кўзлари аллақандай сеҳрга эга. Унинг дупурию, пишқиришидан тортиб, чавандознинг қўл остида оёқлари билан чиройли рақс тушишигача бари-бари бетакрор ва мафтункор. Шунинг учунми, бундан роппа-роса ўттиз етти йил илгари шу мактабга от спорти ишқибози сифатида келган Равшан Саъдуллаев бугун от спортининг уч кураш йўналиши бўйича спорт устаси. У республика От спорти федерациясининг вице-президенти бўлиш билан бирга олий маҳорат мактабининг раҳбари сифатида бу ерга боғланиб қолган. Ҳомийларни жалб қилиб, мактаб фаолиятини янада кенгайтирсам, дейди у. Бу ердаги 52 бош спортчи отлар янада кўпайса, деб жони ҳалак. Болаларимиз шу юртнинг кучқудратини кўрсатиб қўйишсин, барча моҳир чавандозлар ичида мутлоқ ғолибликка шоён бўлишсин, деган ўй-ниятларда ҳаракатдан тинмайди.

— От спортининг олимпиада ўйинлари сирасига киритилгани бежиз эмас, — дейди Р. Саъдуллаев. — Унга сарфланадиган харажат ҳам, куч ва маҳорат ҳам юқори бўлиши керак. Мени оддийгина от спорти ишқибози сифатида қийнайдиган муаммо эса пойтахтимиздаги жисмоний тарбия ва спорт институтида ушбу спорт турига ихтисослашган ўқув бўлимининг йўқлигидир. Модомики, от спорти бўйича эришажак муваффақиятларимиз ҳақида ўйлар эканмиз, мазкур институтда етук мутахассислар тайёрланиши керак.

Мактаб раҳбари билан ҳовлида суҳбатлашарканмиз, ўзига бириктирилган отни йўрттириб келаётган Ферузага кўзимиз тушди.

— Ферузадан умидимиз катта, — дейди Равшан Саъдуллаев. — 11 ёшида Қибрай стадионида отлар мусобақасини кўриб қолган-у, онасига харҳаша қилиб, мактабимизга келган бу қизалоқ жуда иқтидорли. Унинг интилишларини кўриб, ҳеч бефарқ бўлолмайман. Тезроқ жаҳон чемпиони бўлишини унинг ўзи каби мен ҳам сабрсизлик билан кутаман.

Мураббийнинг бу гаплари бежиз эмас. Чунки мактабдаги муҳит шундай. Кимни учратманг, ғуборсиз орзулари, эзгу мақсадларидан сўзлайди. Шунинг учун бўлса керак, тулпорни мағрур қамчилаётган ёш чавандозларнинг наинки бугуни, келажаги ҳам кишида беҳад ҳавас уйғотади...

Муборак ОХУНОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Фарзандлари келажагини ўйлаб яшаш — ўзбек миллатига хос фазилат, деди Президентимиз 2006 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида. Ва яна Юртбошимиз мамлакатда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муваффақиятли амалга оширилаётгани, лицей ва коллежларни битирган минг-минглаб ёшларнинг нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам бемалол ишлаётганини алоҳида таъкидладилар.

Бунда ёшлар топади камол

Таълим

— Ҳар йили битирувчилар қўлига диплом топширяётганимда вужудимда илғаб бўлмас ҳаяжонни ҳис қиламан, — дейди Самарқанд педагогика коллежи директори Саидаҳмад Усмонов. — Қарангки, кечагина биз, устозлар қўлида сабоқ олган бу ўғил-қизлар ҳам эндиликда муаллим. Улар ҳаммамиз қатори эл-юрт, Ватан келажаги, ёшлар тарбияси учун масъул.

Мазкур таълим маскани вилоят миқёсида педагогик йўналишдаги коллежлар ўртасида таянч даргоҳ ҳисобланади. Бу ерда таълим-тарбия жараёнини бойитиш, уни сифат жиҳатдан яхшилаш, янги ноанъанавий услублар, ахборот технологиялари ва компьютер телекоммуникацияларидан оқилона фойдаланиш устувор вазифа қилиб белгиланган. Илғор, тажрибали, новатор ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тажрибаларини ўрганиш, ишига холисона баҳо бериш, рағбатлантириш коллеж маъмуриятининг доимий эътиборида.

Ҳозирги кунда коллежда 1661 нафар талаба 6 та мутахассислик бўйича таълим олмоқда. Давлат таълим стандартлари талабларига жавоб берадиган замонавий асбоблар билан жиҳозланган физика, химия, биология лабораториялари, 2 та компьютер синфи, 3 та лингафон хонаси, 60 га яқин ўқув хоналари улар хизматида.

Коллеж тарихидан ҳикоя қилувчи музей ўқитувчилар ва талабалар фаоллиги туфайли йилдан-йилга бойиб бораяпти. Ёшлар маънавий дунёқарашининг шаклланиши ва ривожланишида мустақиллик даврида ташкил этилган маънавий ва маърифий масканнинг ўрни беқиёс бўлмоқда. Фан тўгаракларининг ишлаб туриши, спорт ва соғломлаштириш масалаларига эътиборнинг ортиши талабаларнинг ҳар жиҳатдан камол топишларида, бўш вақтларини мазмунли ўтказишларида муҳим роль ўйнаяпти.

Муболағасиз айтиш мумкинки, коллеж ҳовлисига биринчи бор кирган киши гўёки ўзини қандайдир дам олиш муассасасига келгандек ҳис этади. Тартиб билан экилган қайин ва арча дарахтлари, кўкаламзорлаштирилган майдонлар, ариқчаларда жилдираб оқаётган зилол сув ҳар қандай вужудга ором, завқ-шавқ бахш этади. Демак, бўлажак ўқитувчи бу даргоҳда нафақат муаллимликни, балки атроф-муҳитга эътиборни, экологик софликни ва яна асосийси, меҳнат қилишни ҳам ўрганади.

Яқинда педагогик жамоа Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган катта тадбир ташкил этди. Шаҳардаги Ҳамид Олимжон номли мусиқали драма театрида намойиш этилган «Шарқнинг гавҳарисан, фахрим, Самарқанд» деб номланган мазкур театрлаштирилган томошалар, ўқитувчилар ва талабалар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, рақслар томошабинлар томонидан қизғин олқишланди.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЛУКОЙЛ
Оверсиз Холдинг ЛТД

«ЛУКОЙЛ» КОМПАНИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ НАВРЎЗ БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ!

СИЗГА ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК, СОҒЛИҚ ВА РИВОЖ ТИЛАЙМИЗ!

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
СУРХОНДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз фуқароларини баҳор байрами — Наврўз билан табриклайди.

Янги ахборот коммуникация технологияларини ҳаётга жорий этиш туфайли салмоқли ютуқларга эришиб турганимиз айёмида сизларни қутлаётганимиз қалбимизга мамнуният бахш этади.

Бағримиз бутун бўлиб, хонадонимиз ҳамиша муборак муждаларга тўлиб турсин.

Қурувчи, тадқиқот ва кадастр ташкилотлари диққатига!
– қурилишда ишлатиладиган ўлчов-тадқиқот асбоб ускуналари;
– бузмасдан текшириш ва техник диагностика ўлчов асбоблари;
– оптик ва рақамли нивелирлар, оптик ва электрон теодолитлар;
– лазер ва электрон масофа ўлчагичлар;
– фиберглосс ва темирли узунликни ўлчовчи рулеткалар (3 м, 5 м, 8 м, 20 м, 25 м, 50 м, 100 м);
– электрон тахеометрлар, GPS/ГЛОНАСС – тизимлари, GARMIN шахсий ва автонавигаторлари.
Тўловни узайтириш имконияти билан, божхонада расмийлаштирилган ва сертификатланган GPS тизимларини таклиф этамиз.
Кредитга расмийлаштириш имконияти
Навоий кўчаси, 2-«А» уй. Тел.: 142-46-31, 134-53-66. Факс: 134-53-68.
E-mail:geo_inform@yahoo.com
Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар лицензияга эга.
СКБ СТРОЙПРИБОР SOUTH Trimble B.V.(Нидерланды)

Маҳсулот сертификатланган
"SANAR MOTORS" MChJ
КИА МОТОРСнинг Ўзбекистондаги расмий вакили
ЯНГИ босқичга ўтинг!
KIA
KIA MOTORS
The Power to Surprise
Автосалон: Тошкент, Ҳ. Абдуллаев кўч. 54А, метро Буюк Ипак Йўли.
Тел.: +(99890) 323-25-66, 175-69-75, +(99871) 140-00-62, 140-00-61.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари жамоаси «Халқ сўзи» газетаси мухбири Мақсуд Жонихонов-га падари бузруквори
Ўроқхон ота ЖОНИХОНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Ахборот технологиялари маркази бўлим бошлиғи Ҳамидулла Алижоновга падари бузруквори
АЛИЖОН отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекэнерго» ДАК жамоаси «Ўзэнергосозлаш» унитар корхонаси гидротехник иншоотларни ишлатиш ва таъмирлаш етакчи муҳандиси Исмоил Турсуновга онаси
ФОТИМА аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 42233 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 23.10 12345